БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 18 (11767). | Шанба, 21 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

1961 йилнинг октябрида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди бўлади. Съезд КПСС XX ва XXI съездларининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида партия ва халқ бажарган жуда катта ишларни якунлайди, КПСС нинг янги программасини тасдиқлайди, бу программа партиямиз ва совет халқига коммунистик жамият қуриш учун улуғ курашда қурол бўлади. Вазифа шуки, 1961 йилда — етти йилликнинг учинчи йилида — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш суръатларини ошириш, партия XXII съездини жуда катта янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун колхозлар ва совхозларнинг резервларини ишга солиш, вақтни қўлдан бермай ҳамма ишни қилиш керак.

1960 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитети Пленуми мамнуният билан қайд қиладики, совет халқи КПСС XXI съездининг қарорларини изчиллик билан бажара бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, совет халқининг фаровонлигини янада оширишда янги зўр ютуқлар қўлга киритилди.

Социалистик саноатимиз тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми етти йиллик планда мўлжалланган 17 процент ўрнига 22,1 процент кўпайди. Планда мўлжалланганига қараганда 11,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти кўп ишлаб чиқарилди.

Халқ хўжалигининг етакчи кучи бўлган оғир индустрия тез юксалмоқда. Қора металлургия, нефть саноати, кимё машинасозлик, бинокорлик материаллари саноати сингари халқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш топшириқлари жуда муваффақиятли бажарилмоқда.

Совет фани ва техникаси янада зўр муваффақиятларга эришди. Олимларимиз, инженерларимиз, техникларимиз, ишчиларимизнинг космик фазони ўрганишда, ракетасозликни, радиоэлектроникани, кимёни ривожлантиришда, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида ҳамда фан ва техниканинг бошқа соҳаларида эришган ажойиб ғалабалари билан халқ ҳақли равишда фахрланмоқда.

Совет халқининг фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. Ҳамма ишчиларни ва хизматчиларни қисқартирилган етти ва олти соатлик иш кунига ўтказиш ўтган йил тугалланди. Ишчилар ва хизматчилардан солиқлар олишни бекор қилиш тўғрисида Қонун тарихда биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Етти йиллик бошлангандан бери шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида умумий сатҳи 165 миллион квадрат метрдан кўпроқ бўлган уй-жойлар ёки 4 миллион 600 минг квартира қурилди. Қишлоқ жойларида колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари шу йиллар ичида 1 миллион 400 мингдан кўпроқ уй қуриб олдилар. Иш ҳақи фонди ва товар оборот ҳажми етти йиллик планда мўлжалланганидан кўра тезроқ ўсмоқда. Аҳолига товарлар сотиш планда мўлжалланган 15,4 процент ўрнига 19,6 процент кўпайди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришилди. КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейинги даврда партиямиз ва бутун совет халқи катта ишлар қилганликлари натижасида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлат томонидан харид қилиш анча кўпайди.

Ғалла 1953 йилда мамлакатда 5 миллиард 36 миллион пуд ишлаб чиқарилган ва давлат томонидан 1 миллиард 899 миллион пуд харид қилинган бўлса, 1960 йилда 8 миллиард 131 миллион пуд ғалла етиштирилди ва харид қилинган ғалла кўпайиб 2 миллиард 852 миллион пудга етди. Шундай қилиб, етти йил ичида ғалла етиштириш 3 миллиард пуддан зиёдроқ ва давлатнинг ғалла харид қилиши қарийб 1 миллиард пуд кўпайди. Мамлакатда қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги ғалла етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

1953 йилда гўшт 5 миллион 822 минг тонна (сўйилган вазнда) етиштирилган ва (тирик вазнда) 3 миллион 600 минг тонна харид қилинган бўлса, 1960 йилда гўшт етиштириш кўпайиб, 8 миллион 725 минг тоннага етди ва 7 миллион 900 минг тонна гўшт харид қилинди. Шундай қилиб, етти йил ичида гўшт етиштириш бир ярим баравар, гўшт харид қилиш эса икки баравардан зиёдроқ кўпайди.

1953 йилда сут 36 миллион 475 минг тонна етиштирилган ва 10 миллион 600 минг тонна харид қилинган бўлса, 1960 йилда сут етиштириш кўпайиб, 61 миллион 538 минг тоннага етди ва 26 миллион 300 минг тонна сут харид қилинди. Шундай қилиб, етти йил ичида сут етиштириш 1,7 баравар, сут харид қилиш эса қарийб икки ярим баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бизнинг мамлакатимизда илгари ҳеч қачон кейинги етти йилда бўлгани каби тез суръатлар билан ривожланмаган эди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида РСФСР Министрлар Советининг, Украина Компартияси Марказий Комитетининг, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг, Қозоғистон Компартияси Қўриқ ўлка комитетининг, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон ва Эстония Компартиялари Марказий Комитетларининг докладларини тинглаб ва муҳокама қилиб қайд қиладики, республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари давлат планини ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида бирмунча иш қилдилар. Мамлакатнинг бир қанча районларида иқлим шароити ноқулай келганлигига қарамай, ғалла, қанд лавлаги, мойли экинлар маҳсули, сабзавотлар 1960 йилда олдинги йилдагига қараганда кўпроқ етиштирилди.

Шаҳарлар ва саноат марказларининг аҳолисини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жамоат чорвачилиги колхозлар ва совхозларда янада ривожланди. Умуман бутун мамлакатда 1960 йилда 1959 йилдагига қараганда 372 минг тонна кўп гўшт, 1 миллион 382 минг тонна кўп сут, 828 миллион дона кўп тухум харид қилинди. Жамоат чорва моллари сони кўпайди.

Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, 1960 йилда ғалла, гўшт, тухум харид қилиш планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 1 миллиард 801 миллион пуд ғалла ёки 1959 йилдагига қараганда 158 миллион пуд кўп ғалла сотилди. Оренбург, Сталинград, Курган, Иркутск, Куйбишев, Ульяновск областларининг ва Бошқирдистон АССРнинг колхозлари ва совхозлари дон етиштиришни ва давлатга сотишни анча кўпайтирдилар.

Литва ССР, Эстония ССР, Челябинск области, Татаристон АССР, Бошқирдистон АССР, Минск, Гродно ва Гомель областлари ўтган йил чорвачиликни ривожлантириш, гўшт ва сут етиштириш ва уни давлатга сотишда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Ўзбекистон ССРнинг Хоразм ва Самарқанд областлари 1960 йилда давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли бажардилар. Грузия ССР чой етиштиришни кўпайтириб, 1960 йилда чой барги тайёрлаш планини анча ошириб бажарди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатнинг харид қилиши кўпайганлиги натижасида 1960 йилда 1959 йилдагига нисбатан аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари 13 процент, сут, сариёғ ва бошқа сут маҳсулотлари 8 процент, тухум 8 процент, қанд-шакар 13 процент, сабзавот 8 процент кўп сотилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда эришилган даражани ва суръатларни етарли эмас деб ҳисоблайди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг 1960 йиллаги ўсиши етти йиллик планда мўлжалланган даражалардан жиддий равишда орқада қолиб борди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш гарчи 1953 йилдагига нисбатан кескин кўпайган бўлса ҳам, аҳолининг гўштга, сутга, сариёғга ва бошқа баъзи озиқ-овқат молларига ўсиб бораётган талаби тўла равишда қондирилмаётир.

Мамлакатнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи кўриб чиқилаётганида, бизда кейинги йилларда рўй берган катта ўзгаришларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Мамлакатда аҳоли тез кўпаймоқда, меҳнаткашларнинг даромадлари кўпаймоқда, бинобарин, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Маълумки, Совет Иттифоқида аҳолининг умумий сони беш йил (1956-1960 йиллар) ичида 18 миллион қишилан зиёдроқ кўпайди, шу билан бирга, шаҳар аҳолиси 17 миллион кишидан зиёдроқ кўпайди. Шу давр ичида иш ҳақи фонди 17,1 миллиард сўм миқдорида ошди, солиқлар 870 миллион сўм миқдорида камайди; заёмга ёзилиш бекор қилинганлиги натижасида ҳар йил меҳнаткашлар қўлида 2,2 миллиард сўм қолмоқда, тўланаётган пенсиялар 4 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Аҳолининг жамики пул даромаллари бир йилга ҳисобланганда янги пул билан 24,2 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Қишлоқ аҳолисининг ҳам пул даромадлари ошди.

Мана шуларнинг ҳаммаси озиқ-овқат молларига ва, биринчи навбатда, гўшт, сут, сариёғга талабнинг анча кўпайишига олиб келди. Бундан тегишли хулосалар чиқариш ва аввало эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолмаслик зарур. Аммо, баъзи раҳбарлар юқори даражага эришдик деб, ҳисоблаётган бўлсалар керакки, улар хотиржам бўлиб қолилар, мавжуд ютуқлар эса, айрим ходимларни, ҳатто, бузиб қўймоқда. Натижада кейинги вақтларда бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун кураш сусайтириб юборилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1960 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни давлатга сотиш соҳасида етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олдилар. Лекин, бир қанча областлар, ўлкалар ва республикаларда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари меҳнаткашларни олинган мажбуриятларни бажаришга сафарбар қилиш мақсадида колхозлар ва совхозларда актив ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб юбордилар.

Россия Федерациясининг кўп областлари ва ўлкалари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда имкониятлардан ёмон фойдаландилар. РСФСР да дон, гўшт ва сут 1960 йилда етти йиллик планда мўлжалланганига қараганда кам етиштирилди. Олтой ва Красноярск ўлкаларининг, Новосибирск, Челябинск, Кемерово, Киров, Белгород, Курск, Орёл, Тамбов ва Липецк областларининг партия ва совет органлари дон етиштиришни зарур миқдорда кўпайтиришни таъминламадилар ва давлатга ғалла сотиш соҳасида белгиланган планларнинг 1960 йилда бажарилмай қолишига йўл қўйдилар. Краснодар ўлкасининг, Ростов, Воронеж, Чита областларининг колхозлари ва совхозларида 1960 йилда гўшт ва сут етиштириш, ҳатто, 1959 йилдагидан камайиб кетди. Москва, Владимир, Брянск, Тула, Киров, Томск областларида, Марий АССР, Чувашистон АССРда, Хабаровск ўлкасида кейинги икки йил ичида сигирларнинг сони камайиб кетди. Умуман Россия Федерациясида беш миллион бошдан кўпроқ қўйнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди, бунинг натижасида қўйларнинг сони 1959 йилдагига қараганда камайиб кетди.

Украина ССРда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда катта камчиликлар ва хатоларга йўл қўйилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида ташкилотчилик ишлари сусайиб кетди. Республикада дон, гўшт, сут 1960 йилда етти йиллик планда мўлжалланганита қараганда кам етиштирилди, дон, сут, тухум, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка харид қилиш давлат плани бажарилмай қолди. Полтава, Луганск, Кировоград, Суми, Николаев областлари 1960 йилни қишлоқ хўжалиги соҳасида айниқса ёмон натижалар билан тугалладилар.

Қозоғистон ССРда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленуми кўрсатиб ўтган камчиликлар секинлик билан тузатилмоқда. 1960 йилда Қозоғистон ССР совхозлари ва колхозлари давлатга ғалла сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларнигина эмас, ҳатто, белгиланган плани ҳам бажармадилар. Кустанай, Акмолинск, Кўкчетов ва Қараганда областлари ғаллани анча миқдорда кам бердилар. Республикада чорва моллар сони етарли миқдорда кўпаймаётир, уч миллион бошдан кўпроқ қўйнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди.

Молдавия ССРда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш суръатлари пасайиб кетди. Республикада дон, сут ва тухум етиштириш 1959 йилдагига нисбатан камайди; чорва моллар сони ҳам қамайиб кетди.

Қирғизистон ССРда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш қониқарсиз ташкил қилинди. Республика колхозлари ва совхозлари ўтган йил сут етиштиришни 1959 йилдагига қараганда камайтириб юбордилар, давлатга пахта ва қанд лавлаги сотиш планларини бажармадилар.

Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Озарбайжон ССР колхозлари ва совхозлари ўтган йил давлатга пахта сотиш планини анча кам бажардилар. Бу республикаларда пахтанинг ҳосилдорлиги бир қанча йиллардан бери секинлик билан ошмоқда. Узум, мева ва сабзавот етиштириш суст ривожлантирилмоқда.

Грузия ССР, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг кўп колхозлари ва совхозларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланилмоқда, чорва моллар сони секинлик билан ошмоқда, қўйларнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги паст даражада қолиб келмоқда, иқлим шароитлари маккажўхори ва бошқа озуқа экинларидан катта ҳосил етиштиришга, анча майдонларда йилига икки марталан ҳосил олишга имкон берса ҳам, лекин ем-хашак жуда кам етиштирилмоқда.

Баъзи раҳбарлар мамлакатнинг шарқий районларида қўриқ ерларни ўзлаштириш ва дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида эришилган муваффақиятлардан нотўғри хулоса чиқардилар ва ўз республикалари ҳамда областларида дон хўжалигини ривожлантиришга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Белоруссия, Литва, Латвия, Эстония республикаларида, Россия Федерациясининг ери қора тупроқ бўлмаган зонасидаги областларида дон етиштириш деярли кўпаймаётир, айни вақтда шу республикалар ва областларнинг партия ва совет органлари эса, дон ва концентрат озуқаларни давлат фондларидан олишга зўр бериб уринмоқдалар.

Кўп колхозлар ва совхозларда ўзларининг сортли уруғликлари шу вақтгача йўқлиги, партия ва совет ташкилотларининг баъзи раҳбарлари эса, партия ва ҳукумат қарорларини бузаётганликлари, ғалла харид қилиш плани бажарилмагунча колхозларнинг уруғликни ғамлаб қўйишини тақиқлаётганликлари бутунлай чидаб бўлмайдиган бир ҳолдир. Шундай фактлар ҳам борки, айрим раҳбар ходимлар планлар ва олинган мажбуриятлар бажарилди, деб тезроқ рапорт беришга интилиб, колхозлар ва совхозларни уруғлик донни ғалла тайёрлаш ҳисобига топшириш мажбур қилмоқдалар. Колхоз ва совхозларни уруғликсиз қолдириш—хўжаликка путур етказиш, давлатга, колхозларга ва колхозчиларга зарар етказиш демакдир.

Марказий Комитет Пленуми давлатга қарши бундай практикани қатъиян қоралайди ва партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларидан, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларидан ҳар бир колхоз ва совхозни юқори сифатли уруғликлар билан ҳеч сўзсиз таъминлаш тўғрисидаги партия қарорларини оғишмай бажаришларини талаб қилади. Илмий-тадқиқот муассасаларида ва тажриба станцияларида дон ва бошқа экинларнинг тағин ҳам сермаҳсул ва юқори сифатли янги навларини, маккажўхори гибридларини етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишлари кучайтирилсин, шунингдек районлаштирилган энг яхши навлардан бўлган элит уруғликларни ёппасига навли уруғликлар билан экишга тезроқ ўтиш учун зарур миқдорда етиштириш ташкил этилсин. Бу ишда Сибирь ва Қозоғистоннинг қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган районлари учун лалми буғдойнинг серҳосил эрта пишар навларини, Украина ва мамлакатнинг бошқа районлари учун кузги буғдойнинг совуққа тағин ҳам бардош берадиган навларини етиштиришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленуми кўпгина маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни тез ўстиришни таъминламоқ учун мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланиш йўлида етарли равишда қунт билан кураш олиб бормаётирлар, деб ҳисоблайди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг баъзи раҳбарлари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга бутун кучни сарфлаш ўрнига дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш планларининг мумкин қадар қамроқ белгиланишига ва марказлаштирилган фондлан етказиб бериладиган маҳсулотлар учун мумкин қадар кўпроқ лимитлар олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қишлоқда социалистик мусобақани ташкил этишда жиддий камчиликлар бор. Шундай фактлар оз эмаски, ходимлар мажбуриятларни масъулиятсизлик билан оладилар, планни шунча бажарамиз, деб ҳамма ёққа жар соладилар, бу ҳақда бюрократларча оғиз кўпиртирадилар, лекин мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ташкилий чораларни кўрмайдилар ва натижада мажбуриятларни бажаришни барбод қиладилар. Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар ўзларининг фаолиятсизликларини ниқоблашга ва бутун иш яхши бораётир, деб кўрсатишга интилиб, давлатни алдашдан иборат жиноий йўлга тушмоқдалар, кўзбўямачиликка қилинмаган ишни қилинди, деб кўрсатишга ва давлатга қарши бошқа ҳаракатлар қилишга йўл қўймоқдалар. Булар сиёсий ташкилотчилар эмас, балки амалпарастлардир, партияни алдаётган кишилардир, улар партияга иснод келтирадилар, уларни партиядан ўчириш ва судга бериш керак. Бундай ҳодисаларга қарши кескин кураш очиш, кадрларни партия ва халқ олдида виждонли ва ростгўй бўлиш руҳида, топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш керак.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаларини муҳокама қилиб ва мавжуд жиддий камчиликларни очиб ташлаб, шуни қайд қиладики, қишлоқ хўжалигидаги бу камчиликлар 1953 йилдаги шароитдан бутунлай бошқа шароитда таҳқид қилинмоқда. Ўша вақтда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари жиддий орқада қолган эди. Ҳозирги вақтда камчиликлар социалистик экономика барқ уриб ўсаётган, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида катта ютуқлар қўлга киритилган шароитда таҳқид қилинмоқда.

Катта ютуқлар қишлоқ хўжалигида ҳам бор. Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, қишлоқ хўжалиги ҳали ҳам саноатда бўлгани сингари тез суръатлар билан ривожланмаётир, индустриямизнинг барқ уриб ўсишига ва аҳолининг талаби ўсиб бораётганлигига етиб улгуролмаётир. Коммунистик қурилишнинг, халқ фаровонлигини оғишмай юксалтиришнинг манфаатлари ҳозир қишлоқ хўжалигини бошқача, тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб қилмоқда. Вазифа шуки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш аҳолининг талабидан ҳамиша илдамроқ бориши керак.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳамиша партиямизнинг диққат марказида туриши лозим. Яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлмаса социалистик экономиканинг равнақ топиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш—коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, бу ҳақиқатан умумхалқ ишидир.

Ҳамма коммунистлар, совет кишилари оғир саноатни вужудга келтирмай туриб, мамлакатни электрлаштирмай туриб социализм ва коммунизм қуриш мумкин эмаслигини тушунадилар,—партиямиз бош йўлининг моҳияти мана шудир. Шуни ҳам англаб олиш керакки, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл қилиб таъминлай оладиган ва яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, коммунизм қуриб бўлмайди. Оғир саноат бўлмаса, металлургия бўлмаса, кимё саноати бўлмаса, электрлаштириш бўлмаса қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда юксалтиришга эришиб бўлмайди. Оғир индустрия—ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришдан иборат. Уни янада ривожлантирмай туриб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш вазифасини ҳал қилолмаймиз. Бу вазифани ҳал қилмай туриб, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳам эришолмаймиз.

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида, биринчи беш йилликлар даврида партия, бутун совет халқи ҳамма куч ва ғайратни аввало оғир индустрияни, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни вужудга келтиришга сарфладилар. Совет кишилари ҳамма нарсани тежаб, қисқа муддат ичида оғир саноатни вужудга келтиришга ҳаракат қилдилар, чунки оғир саноат бутун халқ хўжалигини ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашнинг негизидир. Ҳозир аҳвол бутунлай бошқача. Совет мамлакати қудратли замонавий саноатни вужудга келтирди, саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринда турибди ва ўзига зарур бўлган ҳамма нарсани ишлаб чиқара олади. Экономикамизнинг кучи барқ уриб яшнамоқда, тез суръатлар билан ривожланмоқда. Эндиликда халқнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларимиз таққослаб бўлмаслик даражада ўсиб кетди.

Эндиликда Совет Иттифоқи тарихий ривожланишнинг янги босқичида—коммунистик жамият қуришни авж олдириш босқичида турибди. Ҳозир мамлакатимизнинг шундай қудратли индустрияси бор, у шундай қудратли мудофаага эгаки, энди у, саноатни янада ривожлантиришга ва мудофаани янада мустаҳкамлашга зарар етказмай туриб, халқ фаровонлигини янада юксалтирмоқ учун кўпроқ маблағ ажратиб бера олади.

Халқимиз ўзининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилади, деб кўз тутиш учун ҳамма асосларга эга, шу сабабли, бу ўсиб бораётган талабларни қондирмоқ учун ҳамма чорани кўриш керак.

КПСС XXI съездининг директиваларига мувофиқ, халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планларининг ошириб бажарилиши натижасида тўпланган жамғармалардан халқ фаровонлигини ошириш мақсадларида фойдаланиш лозим. Етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида бизнинг саноатимиз плондан ташқари бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, бу эса, халқ истеъмол қилаётган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ фаровонлигини ошириш билан боғланган тармоқларни ривожлантиришга етти йилликда мўлжалланган маблағларга қўшимча маблағлар ажратишга имкон берди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми эндиликда бизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, шунингдек қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи саноатни ривожлантиришга, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга етти йиллик планда мўлжалланганидан ортиқроқ капитал маблағларни жиддий равишда кўпайтириш имкониятига эга бўлиб қолди, деб ҳисоблайди.

Партия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшимча маблағлар ажратиш билан қишлоқ хўжалигини табиат инжиқликларига боғланиб қолмай ривожлантира беришга имкон берадиган шарт-шароитни вужудга келтириш мақсадини қўймоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шундай ташкил қилиниши керакки, халқнинг эҳтиёжларини тўла равишда қондирмоқ учун мамлакатга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳар йил, ҳар қандай иқлим шароитида ҳам олиб туришни қишлоқ хўжалиги таъминлайдиган бўлсин.

Миллион гектарлаб ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш учун ирригация муттасил ҳосил олишнинг ишончли воситасидир. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги туфайли кейинги йилларда мамлакатнинг шарқ районларида бир неча ўн миллион гектар янги ерлар ишга солинди. Ўрта Осиёда, Россия Федерациясининг жанубида, Волга бўйида, Украинанинг жанубида, Закавказье республикаларида ирригация туфайли бир неча миллион гектар ер ишга туширилади. Ирригация бизга пахта, шоли, маккажўхори каби қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамиша керакли миқдорда олиб туришга имконият беради, чорвачилик маҳсулотлари—гўшт, сут, сариёғ, жун етиштиришни анча кўпайтиришга имкон беради.

Ирригацияни ривожлантиришнинг кенг программаси билан бир қаторда РСФСРнинг ери қора тупроқ бўлмаган зонасидаги районларда, Украина Полесьесида, Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстонияда **мелиорация ишларини**—ботқоқ ва зах босиб кетган ерларни қуритиш ишларини ўтказиш зарур.

КПСС Марказий Комитети Пленуми **минерал ўғитлар**, гербицидлар, заҳарли химикатлар ва бошқа кимёвий воситалар **ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш; қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш**, оширилган тезликларда ишлайдиган кучли тракторлар ҳамда шу тракторлар билан ишлатиладиган машиналар, ўзи-юрар шассилар, ғалла, маккажўхори ва силос комбайнлари, ғаллани ўриб олгандан кейин донни тозалайдиган ва саралайдиган машиналар, пахта териш машиналари, чорвачиликдаги ишларни механизациялаштирадиган ускуналар ва машиналар, органик ўғитлар солишни механизациялаштирадиган машиналар, автомашиналар ва транспорт тележкалари, ирригация ва мелиорация ишлари, тоғлик ерлар шароитида қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун керакли техника ишлаб чиқариш соҳасида катта тадбирларни амалга оширишни жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб ҳисоблайди.

(Давоми иккинчи бетда)

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорининг давоми

(Боши биринчи бетда)

КПСС Марказий Комитети Пленуми **шуни алоҳида уқтириб ўтадики, дон, техника экинлари маҳсули, картошка ва сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни шу йилнинг ўзидаёқ ва яқин келгуси йилларда кескин кўпайтирмоқ учун мавжуд имкониятлардан энг тўлиқ фойдаланиш ҳозирги вақтда эсосий вазифадир.** Шу мақсадда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг қишлоқ хўжалигига қилаётган раҳбарликларини анча яхшилаш, ташкилотчилик ишларини ва сиёсий ишларни кучайтириш, колхозлар ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлашга, кадрларни танлаш ва тарбиялашга, жамоат хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришга, колхозчиларнинг фаровонлигини оширишга бутун эътиборни бериш зарур. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг запас қисмларга, қишлоқ хўжалиги машиналарига, бензинга бўлган нархларни камайтириш тўғрисида, даромад солиғи бўйича енгилликлар бериш, кредитларни арзонлаштириш ва олинган ссудалар бўйича тўловлар муддатини кечиктириш тўғрисида шу йил январь ойида қабул қилган қарори давлатнинг колхозларга берган катта ёрдамидир.

Колхозлар ва совхозлар анча мустаҳкамланиб олган, хийла кўпроқ техникага ва тажрибали кадрларга эга бўлиб қолаётган хозирги пайтда ташкилотчилик ишлари, ҳар бир хўжалик ва районнинг резервларидан моҳирлик билан фойдаланиш, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини зўр бериб жорий қилиш, қишлоқ хўжалик ишларини олиб бориш маданиятини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтирмоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ва унинг маҳаллий органларининг фаолияти ва мавжуд структураси қишлоқ хўжалигининг ошиб кетган талабларига жавоб беролмай қолди ва кескин равишда қайта қурилиши керак, деб ҳисоблайди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг фаолияти илмий-тадқиқот муассасаларининг ишларини ҳар томонлама яхшилашга, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини умумлаштириш ва пропаганда қилишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини энг рационал равишда олиб бориш, олий ва ўрта малакали кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича колхозлар ва совхозларга, зоналарнинг хусусиятини ҳисобга олиб, тавсиялар ишлаб беришга қаратилиши лозим. Уруғчиликни яхшилаш министрликнинг асосий функцияларидан биридир. Министрлик наслчилик иши, ветеринария билан, қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш сингари масалалар билан кун сайин ва чуқур шуғулланишга мажбурдир. Тажриба станциялари министрликнинг таянчидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида агроном ва зоотехникнинг ролини ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини техника запас қисмлар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш, колхозлар ва совхозларда машиналарни ремонт қилишни ва улардан фойдаланишни ташкил этиш масалалари билан шуғулланадиган бирлашма тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Бу бирлашма саноат билан колхозлар ва совхозлар ўртасида воситачи бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга харид қилишнинг мавжуд системасида жиддий камчиликлар бор ва бу система қайта қурилиши ҳамда тубдан яхшиланиши зарур, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда ҳамма турдаги маҳсулотларни—дон, техника экинлари маҳсули, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш билан шуғулланадиган Давлат тайёрлаш комитети тузиш зарур.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш биринчи даражадаги муҳим вазифадир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигининг энг муҳим масалалари ҳақида КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хати, ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқининг тезислари ва унинг Марказий Комитетнинг шу Пленумидаги нутқи жуда катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда қишлоқ хўжалигининг аҳволи чуқур анализ қилинган, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини тез ва ҳам тез ривожлантириш зарурлиги ва бунинг реал имконияти асослаб берилган, хўжаликка раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлар танқид қилинган, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилган, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини тўла қондирмоқ учун дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетига ёзган хатида, унинг нутқи тезисларида ва Марказий Комитетнинг шу Пленумидаги нутқида кўрсатиб ўтилган ҳамда халқ фаровонлигини ошириш манфаатларини кўзлаб мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва конкрет вазифаларини белгилаб берган тадбирлар маъқуллансин.

2. Аҳолининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжлари тўла равишда қондириб турилиши ва шу маҳсулотларни етиштириш аҳолининг талабидан ҳамиша илдам бўлиб бориши назарда тутилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тўхтовсиз кўпайтиришни таъминлаш партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг, колхозлар, совхозларнинг, барча қишлоқ хўжалик ходимларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Давлатнинг эҳтиёжларини тўла қондирмоқ учун яқин йиллар ичида ҳар йил харид қилинадиган дон 4 миллиард 200 миллион пудга, гўшт 13 миллион тоннага, сут 50 миллион тоннага етказилсин. Ҳар бир иттифоқчи республиканинг бунга қўшадиган ҳиссаси тахминан қуйидаги миқдорда бўлиши лозим:

	Дон (миллион пуд)	Гўшт (минг тонна)	Сут (минг тонна)
РСФСР	2.400	7.200	27.450
Украина ССР	700	2.800	12.500
Белоруссия ССР	23	510	2.200
Ўзбекистон ССР	23	200	450
Қозоғистон ССР	950	1.200	2.000
шу жумладан Қўриқ ўлка	750	420	930
Грузия ССР	15	75	280
Озарбайжон ССР	12	83	260
Литва ССР	8	245	1.250
Молдавия ССР	35	145	450
Латвия ССР	8	160	1.300
Қирғизистон ССР	12	184	350
Тожикистон ССР	4	65	120
Арманистон ССР	4	43	200
Туркманистон ССР	2	65	90
Эстония ССР	4	125	800

Дон, гўшт ва сутни харид қилишнинг мўлжалланган миқдори жуда реал ва амалга оширилса бўладиган миқдордир.

3. Иттифоқчи республикаларнинг компартиялари Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига КПСС Марказий Комитети Пленумида қўйилган талабларга асосланиб, дон, техника экинлари маҳсули, сабзавот, картошка, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш топширилсин. Бу тадбирларни ишлаб чиқиш колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг кенг иштироки билан қўйидан, бригада, ферма, колхоз, совхоздан бошлаб амалга оширилсин.

Қишлоқ хўжалигидаги ҳамма имкониятларни ва резерврларни топиш ва фойдаланишга, фан муваффақиятларини ва илғорларнинг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини ёйиш ва жорий қилишга алоҳида эътибор берилсин. Илғорларнинг муваффақиятлари ўрнак бўлиши, ҳар бир бригадада, фермада, ҳар бир колхоз ва совхозда ишлаб чиқаришнинг юксак даражасини таъминлаш йўлини кўрсатувчи маяк бўлиши лозим.

Дон хўжалигини ривожлантиришда, дон етиштиришни кўпайтиришда асосий резервлар қуйидагилардир:

— маккажўхори экиш учун Украинанинг энг қулай районларида тахминан 3 миллион гектар, Россия Федерациясида тахминан 2 миллион гектар, шунингдек Молдавия ва Грузияда энг қулай ерларни ажратиб, шу ерларнинг ҳар бир гектаридан камида 50 центнердан маккажўхори дони олиш йўли билан **маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш.** Бу тадбир давлатнинг қўшимча равишда бир миллиард пуддан кўпроқ товар галлага эга бўлишига имкон беради;

— товар галла етиштиришни кўпайтирмоқ учун **қўриқ районларда ҳосилдорликни ошириш ва шу районлардаги ерларни ўзлаштиришни давом эттириш;**

— **ери қора тупроқ бўлмаган зонада** галланинг ялпи ҳосилини кўпайтириб, яқин йиллар ичида камида 500-600 миллион пудга етказмоқ учун шу зонадаги районларда **экин майдонларини кенгайтириш ва айниқса ҳосилдорликни ошириш;**

— деҳқончилик маданиятини юксалтириш асосида **мамлакатнинг барча районларида дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш.**

Гречиха, нўхат, ловия ҳамда крупа бўладиган ва дуккакли бошқа экинларни етиштиришдаги қолоқликни тугатмоқ учун қатъий чоралар кўриш зарур.

Чорвачиликни ривожлантиришда, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришда қуйидагилар асосий вазифа деб ҳисоблансин:

— **сигирлар сонини кўпайтириш;**

— чорвачиликнинг гўштни энг тез етиштириб берадиган тармоғи бўлган **чўчқачиликни,** шунингдек **паррандачиликни ҳар томонлама ривожлантириш;**

— чорвачиликнинг **маҳсулдорлигини ошириш,** чорва молларни яйловда ва қўлда боқиб семиртиришни яхшилаш;

— аввало, маккажўхори, шунингдек қанд лавлаги, картошка, дуккакли дон экинлари, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, ўтлоқлар ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига **мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш.**

Сут таркибидаги мойнинг миқдорини, чорва молларнинг гўшт сифатини ошириш ва қирқиб олинадиган жуннинг миқдорини кўпайтириш билан бирга чорвачиликда наслдорлик ишлари яхшилансин.

Қўйчиликни ривожлантиришдаги камчиликларни йўқотиш, қўйлар сонини кўпайтиришга эришиш зарур. Қўйлар, бузоқлар ва чўчқа болаларига яхши қарамаслик ва парвосиз бўлиш натижасида уларнинг нобуд бўлиши сингари шармандали ҳолга хотима берилсин.

Техника экинлари маҳсули етиштиришни ва, аввало, пахта ҳамда қанд лавлагини, кунгабоқар, ёғ учун экиладиган зиғир, шунингдек картошка ва сабзавот, чой, мева, узум етиштиришни **ривожлантиришда** шу экинларни парвариш қилишнинг ҳамда улар ҳосилини йиғиб-териб олишнинг прогрессив усулларини жорий қилиш, экиш, ишлов бериш ва йиғиб-териб олиш ишларида механизацияни жорий қилиш йўли билан ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор берилсин.

Деҳқончилик соҳасида ҳам, чорвачилик соҳасида ҳам деҳқончиликка ва чорвачиликка хизмат кўрсатадиган механизациялаштирилган комплекс бригадаларни кенг ёйиш зарур. Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг моддий манфаатдорлиги принципидан тўлароқ фойдаланилсин.

Иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари колхозлар, совхозлар ва районларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги таклифларини умумлаштириб, икки ой муддат ичида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим қилсинлар.

4. СССР Давлат план комиссияси, СССР Давлат иқтисодий Совети, СССР Министрлар Советининг автоматизация ва машинасозлик Давлат комитети, СССР Министрлар Советининг Кимё давлат комитети иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, Министрлар Советлари ҳамда Халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда техника, минерал ўғитлар, гербицидлар ва заҳарли химикатларни, микроўғитларни айниқса 1961-1963 йилларда ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни кўпайтиришнинг қўшимча имкониятларини қидириб топсинлар.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини комплекс механизациялаш ишларини ҳар томонлама жадаллаштиришни ва бу ишларни асосан шу етти йилликда тамомлашни назарда тутиб, комплекс механизациялашни тугаллаш давлат планини, шунингдек энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва сўнгра уларни ишлашнинг поток технологиясига яқин йиллар ичида ўтишни таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилсин ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига кўриб чиқиш учун киритилсин. Қишлоқ хўжалиги учун техника чиқараётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтиришга эътибор кучайтирилсин, шу мақсад учун зарур маблағлар ва моддий ресурслар ажратиб бериш кўзда тутилсин.

5. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдиришни ва етти йилликнинг қолган беш йили мобайнида уни тақкослаб бўлмайдиган тезроқ суръатлар билан ривожлантиришга эришишни назарда тутиб, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет программасини иттифоқчи республикалар тақдим қилган тадбирлар асосида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига топширилсин.

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга зарур капитал маблағларни қўшимча равишда ажратиб бериш масаласи кўриб чиқилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети Пленуми партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, колхозчиларни ва совхозларнинг, ремонт корхоналарининг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларни социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб вужудга келтириш учун курашдаги ўз ғайратларини кучайтиришга чақиради.

1961 йилнинг октябрида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди бўлади. Съезд КПСС XX ва XXI съездларининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида партия ва халқ бажарган жуда катта ишларни якунлайди, КПСС нинг янги программасини тасдиқлайди, бу программа партиямиз ва совет халқига коммунистик жамият қуриш учун улуғ курашда қурол бўлади. Вазифа шуки, 1961 йилда — етти йилликнинг учинчи йилида — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш суръатларини ошириш, партия XXII съездини жуда катта янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун колхозлар ва совхозларнинг резервларини ишга солиш, вақтни қўлдан бермай ҳамма ишни қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишонч билдириб айтадики, қишлоқ меҳнаткашлари етти йилликнинг топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдирадилар ва совет халқининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондирмоқ учун озиқ-овқат маҳсулотларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини Ватанга зарур миқдорда етказиб берадилар, мамлакатимизда коммунизм қуришда янги ғалабаларга эришадилар.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қиладики, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган Кенгаши жаҳон аҳамиятига эга тарихий воқеа бўлди. Кенгаш халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш ва бу ҳаракатни тобора ривожлантиришда, тинчлик ва социализм учун курашни кучайтиришда жуда катта роль ўйнайди.

Кенгашда 81 марксчи-ленинчи партия делегацияларининг қатнашганлиги, замонамизнинг актуал проблемалари батафсил ижодий муҳокама қилинганлиги, Кенгашда ишлаб чиқилган ва бир оғиздан қабул қилинган Баёнот ҳамда бутун дунё халқларига Мурожаат халқаро коммунистик ҳаракатнинг ғоявий ва сиёсий жиҳатдан жуда катта ғалабага эришганлигидан далолат беради.

Кенгаш коммунистик ва ишчи партияларнинг 1957 йилда қабул қилинган Декларация ва Тинчлик манифестига содиқ эканликларини тасдиқлади ва янги тарихий тажриба асосида коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг истиқболларини белгилаб берди. Воқеаларнинг бориши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб борилаётган кураш ўртага қўйган масалалар юзасидан коллектив суратда ишлаб чиқилган баҳо ва хулосалар Кенгашнинг энг муҳим натижасидир.

Жаҳон коммунистик ҳаракати тарихида энг кўп вакил қатнашган 1960 йил Кенгашининг якунлари коммунистик ва ишчи партияларнинг марксизм-ленинизм базасидаги мустаҳкам жипслигини, уларнинг халқаро пролетар бирдамлигини, бирлик ва қардошларча дўстликни бундан буён ҳам кўзқорачиғидек сақлашга қатъий бел боғлаганликларини яққол намойиш қилиб кўрсатди.

Баёнот ва бутун дунё халқларига Мурожаат кенг халқ оммасининг манфаатларига, уларнинг мустаҳкам тинчликка, социализмга, социал ва миллий зулмдан озод бўлиш йўлидаги интилишларига муносибдир. Бу ҳужжатлар ишчилар синфи ва унинг марксчи-ленинчи авангарди олдида, барча меҳнаткашлар олдида, ҳамма мамлакатлар халқларининг прогрессив кучлари олдида турган улуғ мақсадларни рўёбга чиқариш учун курашда жуда катта илҳомлантиручи, сафарбар қилувчи ва ташкилотчилик ролини бажаради.

Баёнотда илгари сурилган янги ғоя ва қоидалар халқаро вазият ва синфий кучларнинг нисбати социализм фойдасига тобора кескин ўзгараётган бир шароитда марксизм-ленинизмни қўлланиш ва янада ривожлантиришдан иборат. Баёнот — барча коммунистик ва ишчи партиялар курашининг умумий ғоявий платформаси ва программасидир.

Бутун дунё халқларига Мурожаат инсониятни уруш хавфидан халос қилиш йўлидаги курашни кучайтириш учун катта аҳамиятга эгадир. Бу Мурожаат яхши ниятдаги барча кишиларни, социал аҳволи, миллати, сиёсий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, империалистик агрессорларга қарши курашда жипслашишга, биргаликда ҳаракат қилиб, умумий тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга даъват этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Баёнот ва Мурожаатни жуда муҳим марксча-ленинча ҳужжат деб, ҳаракатга қўлланма деб ҳисоблайди.

Баёнотда давримизга берилган чуқур марксча-ленинча характеристика халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашнинг авангардида бораётган халқаро коммунистик ҳаракат назарияси ва сиёсати учун принципиал аҳамиятга эгадир. Давримизнинг фарқ қиладиган асосий хусусияти шундан иборатки, жаҳон социалистик системаси кишилик жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланмоқда. Баёнотда коммунистик ва ишчи партияларнинг уруш ва тинчлик масаласи юзасидан ягона позицияда эканликлари баён қилинган. Кенгаш ҳозирги замон шароитида янги жаҳон урушининг олдини олиш учун реал имкониятлар борлиги тўғрисидаги хулоса тўғри эканлигини таъкидлади, империализмга қарши қатъий кураш давомида тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодир бўлган кучларни, шунингдек, ер юзида социализм тўла ғалаба қозонганига қадар ҳам жаҳон урушини жамиятнинг ҳаётидан чиқариб ташлаш имконини берадиган шарт-шароитларни кўрсатиб берди. Социализмнинг бутун дунё миқёсида ғалаба қозониши ҳар қандай урушларнинг келиб чиқишига имкон берадиган социал ва миллий сабабларга узил-кесил хотима беради.

Шу билан бирга кенгаш уруш хавфига нисбатан халқларнинг хушёрлигини кучайтириш зарур эканлигини таъкидлади. Модомики, империализм ҳали бор экан, унинг агрессивлик табиати ўзгармай қолаверади, босқинчилик урушлари учун замин ҳам сақланиб қолаверади. Кенгашнинг атом ва водород бомбалари ташлана бошлашини кутиб турмай, янги жаҳон уруши хавфига қарши курашни кучайтиришга чақириб, халқларга қилган даъвати ҳозирги пайтда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципи халқаро муносабатларнинг бирдан-бир тўғри ва оқилона принципи эканлигини якдиллик билан изҳор қилдилар. Эндиликда масала фақат шу тахлитда туради — ё турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши, ёки вайронагарчилик келтирувчи уруш. Бундан бошқа йўл йўқ. Тинч-тотув яшаш шароитида жаҳон социалистик системасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, шунингдек капиталистик мамлакатларда синфий курашни кучайтириш, мустамлакачилик системасини тамомила тугатиш йўлидаги миллий озодлик курашини ривожлантириш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Революцион синфий кураш ва миллий озодлик кураши, тинчлик учун, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, атом қуролини тақиқлаш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун олиб бориладиган умумхалқ ҳаракати ҳам тинч-тотув яшашни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Кенгаш ёппасига ва батамом қуролсизланиш юзасидан Совет Иттифоқи тақдим этган программанинг амалга оширилиши бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун тарихий аҳамиятга эга бўлур эди, деб таъкидлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча ташқи сиёсатни бундан буён ҳам амалга ошираверади, империалистларнинг агрессив ниятларини тинмай фош қилаверади, тинчликнинг ҳамма душманларига қарши халқларнинг хушёрлигини ошира беради. Қуролсизланиш амалга оширилмагунча КПСС Ватанимиз мудофаа қувватининг тегишли даражада бўлиши учун зарур ҳамма чораларни кўра беради ва буни тинчликни сақлашнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди, бутун социалистик лагернинг хавфсизлигини таъминлашга бутун чоралар билан кўмаклашади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон социалистик системасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида, социализм ва коммунизмни муваффақиятли суратда қуриш, халқларни социалистик интернационализм руҳида, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш соҳасида қардош партияларнинг вазифалари тўғрисида Баёнотда илгари сурилган хулосаларга тамомила қўшилади. Социалистик давлатларнинг ягона лагерь бўлиб бирлашганлиги, бу лагернинг мустаҳкамланиб бораётган жипслиги ва ўсиб бораётган куч-қудрати умуман бутун бир система доирасида социализмнинг тўла ғалабасини таъминлайди. Барча қардош партиялар каби КПСС ҳам коммунистик ва ишчи партияларнинг, социалистик мамлакатлар халқларининг бирлиги ва жипслиги, уларнинг марксизм-ленинизм идеяларига содиқлиги социалистик лагерь куч-қудрати ва енгилмаслигининг асосий манбаи деб билади.

Кенгаш шуни қайд қилдики, миллий озодлик ҳаракати зарбалари остида мустамлакачилик асорати системасининг емирилаётганлиги ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан жаҳон социалистик системаси вужудга келганидан кейин ҳозирги дунёда иккинчи воқеадир. КПСС Кенгашнинг миллий озодлик ҳаракатининг жаҳон тараққиётидаги роли ўсиб бораётганлиги ҳақида, мустамлакачилик системасини узил-кесил тугатиш, мустақил миллий демократия давлатлари вужудга келиши имкониятлари ортиб бораётганлиги ҳақида чиқарган хулосалари муҳим хулосалардир, деб ҳисоблайди. Миллий озодлик ҳаракатини доим қўллаб-қувватлаб келаётган Совет Иттифоқи халқлари империалистик ва мустамлакачилик зулмидан халос бўлиш учун, мустақил миллий тараққиёт учун курашаётган халқларни маънавий ва моддий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўзларининг интернационал бурчи деб ҳисоблайдилар.

Баёнотда капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракатнинг актуал проблемалари ёритиб берилган, бу ҳаракат олдида турган тарихий вазифаларни ҳал этишнинг янги имкониятлари кўрсатиб берилган. Монополияларнинг ҳукмронлигига қарши курашда кенг халқ оммасини ишчилар синфи теварагига бирлаштириш — оммани социалистик революциянинг ғалабаси учун курашга тайёрлашнинг муҳим шартидир. Кенгаш социализмга тинч йўл билан ва нотинч йўл билан ўтиш имкониятлари тўғрисидаги, турли мамлакатларнинг конкрет шароитида боғланган ҳолда пролетариат диктатурасининг формалари тўғрисидаги марксча-ленинча қоидаларни тасдиқлади, коммунистлар революцияни экспорт қилишга доим қарши бўлиб келганликлари ва империалистларнинг контрреволюцияни экспорт қилишларига қарши қатъий кураш олиб боражаклари тўғрисидаги қоидани янада зўр куч билан таъкидлади. Бу қоидалар революцион ишчилар ҳаракати олдида равшан истиқболлар очиб беради, капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар ва ишчилар синфи сафларига янги ишонч бағишлайди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли ҳал этишлари учун икки фронтда — асосий хавф бўлиб қолаётган ревизионизмга қарши ва догматизм ҳамда сектантликка қарши бундан буён ҳам қатъий курашларини давом эттириш талаб этилади. Догматизм ва сектантликка қарши изчил кураш олиб борилмаса, булар ҳам айрим партиялар тараққиётининг у ёки бу босқичида асосий хавфга айланиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар юзасидан Баёнотда таъбирланган принципларга, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини қатъий ҳимоя қилиш, ана шу бирликка путур етказа оладиган ҳар қандай ҳаракатга йўл қўймаслик коммунизм ишининг ғалабаси учун зарур шарт эканлиги тўғрисида Кенгашда якдиллик билан қабул қилинган қоидага катта аҳамият беради. Коммунистик ҳаракат манфаатлари империализмга қарши тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг умумий вазифалари тўғрисида қардош партияларнинг ўз кенгашларида биргаликда берилган баҳо ва чиқарилган хулосаларга ҳар бир коммунистик партиянинг аҳиллик билан риоя қилишни талаб этади.

Бу принциплар КПСС нинг ўз интернационал алоқаларида тинмай амал қилиб келаётган ленинча қоидаларга тамомила мувофиқдир. Бизнинг партиямиз халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини изчиллик билан ҳимоя қилиб, мустаҳкамлаб беради, қардош партиялар билан ўз алоқаларини кенгайтириб, мустаҳкамлай беради, коммунистларни ва барча совет кишиларини социалистик лагердаги мамлакатларнинг халқлари билан ва бутун дунё меҳнаткашлари билан интернационал бирдамлик ҳамда қардошларча дўстлик руҳида тарбиялай беради.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Кенгаш қатнашчиларининг халқаро коммунистик ҳаракат олдида партиямизнинг хизматларига жиддийлик билан юксак баҳо бергانликларини, партиямизнинг фаолияти пролетар интернационализми революцион принципларини практикада қўлланиш намунаси деб эътироф этилганлигини, шунингдек КПСС XX съезднинг тарихий қарорлари марксизм-ленинизм асосида халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилганлигини чуқур мамнуният билан қайд қилади.

Партиямизнинг фаолияти ва тажрибасига берилган ана шу юксак баҳо совет коммунистларини бутун инсоният учун порлоқ истиқбол йўлини биринчи бўлиб очиб берган мамлакатимизда коммунизм қуриш учун янада зўр активлик билан кураш олиб боришга, социалистик лагернинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчлик учун кураш олиб боришга илҳомлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС делегациясининг коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашидаги сиёсий йўли ва фаолияти маъқуллансин.

2. Кенгашда қабул қилинган Баёнот ва бутун дунё халқларига Мурожаат маъқуллансин; КПСС фаолиятининг ҳамма соҳаларида ана шу ҳужжатларда берилган баҳо ва чиқарилган хулосаларга риоя қилиш зарур деб ҳисоблансин.

3. Партия ташкилотларига Кенгашнинг якунларини, у қабул қилган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини муҳокама қилиш ва коммунистларга ҳамда барча меҳнаткашларга тушунтириб бериш, барча совет кишиларини авж олдирилган коммунистик қурилиш вазифаларини янада муваффақиятли ҳал этишга, етти йиллик план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, ўз меҳнати билан Ватанимизнинг қудратини бутун чоралар билан оширишга, тинчлик учун курашда актив қатнашишга, империалистларнинг кирдикорларига нисбатан ҳушёрликни кучайтиришга, социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг халқлари билан, бутун дунёдаги меҳнаткашлар ва тинчликсевар халқлар билан дўстлик ва бирликни мустаҳкамлашга даъват этиш таклиф қилинсин.

Область, ўлка партия комитетларига ва иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига:

а) коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунларини партия активи йиғилишларида муҳокама қилиш;

б) коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг Баёноти ва Мурожаатини партия маорифи системасида, шунингдек мамлакатнинг олий ўқув юртлари ва техникумларида ўрганишни ташкил этиш топширилсин.

КОММУНИЗМ ҚУРИШДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ!

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитеши Пленуми қабул қилган қарорларни баланд руҳ билан кутиб олдилар

ИЖОДИЙ МЕҲНАТНИНГ АЖОЙИБ САМАРАЛАРИ

МОСКВА, 19 январь. (ТАСС). Ўртоқ Н. С. Хрушчев Балахна целлюлоза-қоғоз комбинатининг қоғоз пиширувчиларидан Павел Иванович Мартиновни, Алексей Иванович Хреновни, Анатолий Михайлович Мосягинни ва уларнинг ўртоқларини маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида эришган катта муваффақиятлари билан табриклади. Ана шу илғор ишчиларга юборилган табрикномада бундай дейилади:

Сизларнинг мактубингизни зўр мамнуният билан ўқиб чиқдим. Бу мактубда айтилишича, сизлар қоғоз пиширувчи қозонларнинг бир кубометридан мамлакатда энг кўп миқдорда, яъни йилига 89 тонна целлюлоза олишга муваффақ бўлгансиз ва ўтган йили пландан ташқари 2.400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаргансиз. Бу ижодий меҳнатингизнинг ажойиб самарасидир.

Н. С. Хрушчев айтадики, балахналикларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида эришган юксак кўрсаткичлари целлюлоза-қоғоз саноатида жуда катта резервлар борлигини исбот қилади. Бошқа корхоналар ҳам ана шу ютуқлар даражасига кўтарилса, у ҳолда мамлакатимиз қўшимча равишда неча ўн минг тонналаб целлюлоза олади. Целлюлоза-қоғоз саноати ходимларининг шу кунларда давом этаётган Бутуниттифоқ кенгаши, деб ёзади Н. С. Хрушчев, ана шу тармоқдаги корхоналарнинг қўшимча резервларини қидириб топишга ёрдам беради ва целлюлоза, қоғоз ҳамда картон ишлаб чиқаришни тез ривожлантириш имконини беради.

Балахна комбинатининг илғорлари ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзган мактубларида ўз бригадалари бу йил целлюлоза тайёрлашни кўпайтиришга ва КПСС нинг XXII съезди очилишига қадар пландан ташқари ҳар бир қоғоз пиширувчи ҳисобига 100 тоннадан целлюлоза ишлаб чиқаришга қарор берганликларини маълум қилдилар. Комбинат 1965 йилда 105 минг тонна целлюлоза тайёрлаб бериши керак. Бу вазифани муваффақиятли бажармоқ учун корхона коллективи ишлаб чиқариш технологиясини зўр ғайрат билан такомиллаштириш ва автоматлаштиришни кенг жорий қилишга ҳаракат қилади.

ПЛЕНУМДА БИЗНИНГ КОЛХОЗ ҲАМ ТИЛГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети январь Пленумига берган ҳисобида бизнинг колхозимиз аъзолари эришган муваффақиятлар ҳам тилга олинди. Бундан беҳад қувонган колхозчиларимиз пахта етиштиришни янада кўпайтириш, таннархини арзонлатишга қарор қилдилар.

Ўтган йили колхозимиз ҳар гектар ердан 25,5 центнердан пахта йиғиб-териб олиб, давлатга 9250 тонна «оқ олтин» сотди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш орқали янада самарали кўрсаткичларга эришдик. Асосий майдонлардаги ғўза қатор оралари икки томонлама ишланди. Даладан кетмон суриб чиқарилди. Ҳосилни машинада теришга айниқса катта аҳамият бердик. Механик-ҳайдовчилар 1225 тонна пахта териб бердилар.

Пахтачиликдаги ишларнинг ҳаммаси машиналаштирилаётганлиги туфайли пахта етиштириш тобора арзонга тушмоқда. Ўтган йили колхозимизда етиштирилган ҳар бир центнер пахтанинг таннархи янги пул билан 11 сўм 30 тийинга тўғри келди.

Колхозчиларимиз Пленум қарорларига жавобан янада кўп ва арзон пахта етиштиришга қарор бердилар. Шу кунларда колхозчилар КПСС XXII съездини меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш билан кутиб олиш учун бир жон-бир тан бўлиб ишлаётирлар.

Ҳ. НОСИРОВ,
Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилишга қаратилган қарор қабул қилди. Колхозимиз аъзолари Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб беришга бел боғладилар. Артелимизда ерлардан фойдаланишни яхшилаш, деҳқончилик маданиятини ошириш орқали ҳосилдорликни янада кўтаришга аҳд қилдик. Бунинг учун илғорлар тажрибаси оммалаштирилмоқда.

Ўтган йили Ҳамро Орзиев, Умар Хўжамқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар шудгорлашни ўз вақтида ўтказиш, ернинг шўрини яхшилаб ювиш орқали гектаридан олинадиган ҳосилни 34-35 центнерга етказдилар. Эндиликда ҳамма бригадаларда шўр ювиш ишлари ана шу илғорлар тажрибаси асосида, агротехника қоидаларига мувофиқ ўтказилмоқда.

1330 гектар экин майдонини сифатли шудгор қилиб қўйганмиз. Ҳайдаш олдидан ерларга минерал ва маҳаллий ўғитларни аралаштириб солдик. Ҳозир колхозчиларнинг бутун диққат-эътибори далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ ва зовурларни тозалаш, шўр ювиш ва яхоб бериш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришга қаратилган. Механизаторларимиз кейнинги икки ҳафта ичида Маханкўл массивидан 123 гектар янги ер очдилар. Биз қишки ишларни сифатли ўтказиб, Пленум қарорига жавобан мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилишини таъминлаймиз.

Жўра РАМАЗОНОВ,
Свердлов районидаги Сталин номли колхоз раиси.

Янада самарали ишлайман

Мен колхозда сут соғувчи бўлиб ишлайман. Бошқа хўжаликлардаги каби бизнинг колхозимизда ҳам зоотехниканинг илғор усуллари, фойдали тажрибалар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Мен 1959 йилда 15 бош сигирнинг ҳар биридан 2900 килограммдан сут олган эдим. Бултур колхозда сигирларни боғламай боқишга ўтилди. Уларни «арча» усулида соғиш жорий қилинди. Бу эса, соғувчиларнинг меҳнат унумдорлигини бир неча баравар ошириб, ишни енгиллатди.

Колхозда «арча» усули жорий этилгач, бир ўзим 45 сигирга қарай бошладим. Йил охиригача ҳар бир сигирдан олинган сут 3280 килограммга етди. Бир килограмм сутнинг таннархи эса янги пул билан 1959 йилдаги 7 тийиндан 1960 йилда 4 тийинга тушди. Колхозимиз янги усул туфайли ярим йил ичида 90 минг сўм маблағни тежаб қолди.

Ҳозир колхоз чорвадорлари ўртасида партиямиз XXII съездини муносиб кутиб олиш учун, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларини бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олди. Ҳар бир колхозчи Пленум қарорларининг тезроқ амалга оширилишига мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўл бўлиши учун курашга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиляпти. Мен ҳам Пленум қарорларига жавобан янада самаралироқ ишлайман. Янги йилдан бошлаб мен 60 сигирни боқиб, ўзим соғаётирман. Йил охиригача ҳар бир сигирдан 4 тоннадан сут соғиб оламан.

Худоёр ВАҲОБОВ,
Олтиариқ районидаги Жданов номли колхознинг сут соғувчиси.

ПЛЕНУМ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

МОСКВА, (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қатнашчилари 19 январь куни кечқурун Москва жамоатчилигининг вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР нинг Тошкент областидаги Хрушчев номли колхозининг раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов сўзлади. Колхозимизда, деди у, 15 миллат вакиллари ишлаяпти. Улар, аҳил бўлиб, яхши ишлашаяпти. Биз пахтадан, мевалардан, сабзавот экинларидан йил сайин тобора мўл ҳосил оляпмиз. Колхозчилар бадавлат ва маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Колхозимизда маданият саройи, болалар боғчаси ва яслиси барпо этилган. Ўйларда радио, телевизорлар бор. Колхозчиларнинг болалари олий ўқув юртларида ўқимоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси, деди ўртоқ Турсунқулов, совет халқлари буюк дўстлигининг самарасидир. Биз мамлакатимизга йил сайин тобора кўпроқ пахта, мева, сабзавот ва қўёшли Ўзбекистоннинг бошқа ноз-неъматларини беришга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек учрашувда икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони — Москва областидаги Сталин номли колхозининг раиси Ф. С. Генералов, атоқли олим, Курган области Шадрин районидаги «Завети Ленина» колхозининг дала мудири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. С. Мальцев минбарга чиқадилар. Нотиқлар москволикларга салом топшириб, ўз хўжалиги ҳақида, ерни ишлашнинг бой тажрибалари, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ҳақидаги ажойиб тасаввурларини сўзлаб бердилар.

Амалий жавобимиз

МАРҲАМАТ (телефон орқали олинди). Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ишларини зўр қизиқиш ва эътибор билан кузатиб бордилар. Улар Пленум қабул қилган қарорларда ўзаларининг эртанги янада гўзал ва фаровон ҳаётини кўрмоқдалар. Марказий Комитет Пленуми социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва уни кенг механизациялаш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

— Район пахтакорлари, механизаторлари, — дейди район партия комитетининг секретари Болтабой Ҳусанов, — дала ишларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборишдилар. Экин экиладиган 12 минг 300 гектар майдоннинг 11 минг 100 гектари юқори сифатли қилиб шудгорлаб қўйилди. Шу кунларда колхозчилар далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани кўклам дала ишларига тахт қилиб қўйиш билан шуғулланмоқдалар. Граждан ҳаво флотининг тўртта самолёти далаларимиз устида парвоз қилиб, ерларни ўғитламоқда. Коммунистлар, комсомоллар, агитаторлар КПСС Марказий Комитети Пленуми материалларини меҳнаткашлар ўртасида кенг суратда тушунтиришни бошлаб юбордилар. Колхоз ва РТС партия ташкилотлари ҳузуридаги агитколлективларда Пленум материалларини ўрганишга бағишланган махсус семинарлар ташкил этилди.

— Колхозимиз аъзолари, — дейди Свердлов номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадумар Тожибоев, — пахта ҳосилдорлигини бундан кейин ҳам ошира бориш учун курашиб, кузги-қишки дала ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Колхозда шудгорлаш тўла тугалланди. Бу йил колхозчилар пахта ҳосилини гектар бошига 40 центнерга етказишни ният қилиб ишламоқдалар. Улар партия XXII съездини колхоз хўжалигининг ҳамма соҳаларини баравар юксалтириш билан кутиб оладилар

Кеча фото мухбир А. Палехов Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда бўлди. У колхознинг механик-бригадири АКБАР ҚОСИМОВ почтальон янги келтирган газетани ўқиб, механикларга партия Марказий Комитети Пленуми қабул қилган қарор ҳақида гапириб турганлигида суратга олди. Колхоз механизаторлари Пленум қарорлари уларни янги меҳнат зафарларига отлантирганлигини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республика пойтахтида маҳаллий Советлар сайловига тайёргарлик тобора кенг қулоч ёймоқда. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи сайлов комиссияси составига кандидатлар кўрсатиб бўлинди.

Ўзбекистон трактор йиғиш заводининг коллективи энг яхши ишчилардан бири слесарь А. Ф. Юрченкони шаҳар сайлов комиссияси составига кандидат қилиб кўрсатди. «Ташсельмаш» заводи касаба союз ташкилоти қўйиш цехининг ишчиси Р. Юнусовни кандидат қилиб кўрсатди. Тўқимачилик комбинати иккинчи тўқув фабрикасининг комсомоллари тўқувчи К. А. Баҳромхўжаевани шаҳар сайлов комиссиясига ўз кандидатлари қилиб кўрсатишга қарор қилдилар. Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари Н. И. Йўлдошева, шаҳар партия комитетининг секретари П. В. Каймаков, ҳарбий хизматчи Е. К. Давидов ва меҳнаткашларнинг бошқа вакиллари ҳам сайлов комиссияси составига кандидат қилиб кўрсатилдилар.

* * *

АНДИЖОН. Область ижроия комитетининг қарори билан меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказиладиган 271 сайлов округи ташкил қилинди. Шаҳар Советларига сайлов ўтказадиган 739 сайлов округи — бундан олдинги сайловлардагига қараганда юзта кўп сайлов округи ташкил қилинди. Ҳамма ерда агитаторлар сайловчилар билан КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ҳақида, совет сайлови ҳақида дастлабки суҳбатлар ўтказдилар.

* * *

ХОНҚА. Районда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказадиган сайлов округларини ташкил қилиш ишлари тамом бўлди. Сайлов округларининг сони ўтган сайловлардагига қараганда ошди.

Сайловчилар орасида агитация ишлари қизитиб юборилди. Агитаторларнинг состави янги кишилар билан тўлдирилди. (ЎзТАГ).

СТУДЕНТЛАР ЭСТРАДАСИ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти қошида студентлар эстрада оркестри ташкил қилинган эди. Қисқа вақт ичида оркестр коллективи қирққа яқин концерт кўрсатди.

Студент артистлар дам олиш ва каникул кунларида янги ердаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар. Тошкент, Қозоғистон темир йўллари ишчи ва хизматчилари ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилиб, уларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Оркестрнинг концерт программаси бой ва хилма-хилдир. Унинг репертуарларида совет ва чет эл композиторларининг юзга яқин музика ва ашулалари бор.

Бундан ташқари оркестр репертуарларида ҳаваскор студентларнинг ўзлари ёзган қўшиқ ва музикаларга ҳам ўрин берилган.

Яқинда эстрада коллективи «Бизнинг телевизорни томоша қилинг» деган янги концерт программасини тайёрлади.

М. СУЛТОНОВ.

Янги алоқа бўлимлари

Шаҳрисабз район алоқа корхонаси ходимлари меҳнаткашларга алоқа хизматини тобора яхшилашмоқдалар.

Район алоқа конторасининг ташаббуси билан Кунчиқар, Мироқи, Хисарак қишлоқ Советларида 7 та колхозлараро алоқа бўлимлари ташкил этилди.

И. ТУХТАМИШЕВ.

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг Тошкент шаҳар базаси республика колхозларига баҳорда экиш учун 1200 тонна маккажўхори уруғи сотади. **Суратда:** лаборантлардан Н. Воропаева ва М. Аҳмедова уруғлик сифатини текшириб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ЧЎҲҚАБОҚАРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЛДИДАН

РАҲМАТ, НИНАХОН

Шаҳрихонда илғор чорвадорларнинг иши ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб Нина Гавриловна Бабичнинг номини тилга оладилар. Бундан 6 йил илгари Сталин районидаги Калинин номли колхозда чўҳқачилик фермасини ташкил қилишга ўртоқ Бабичнинг ўзи бошчилик қилди.

Коммунистларга хос ғайрат билан ишга киришган Нина Гавриловна ферма хўжалигини зооветеринария қоидалари асосида ташкил этиш учун ишни эътиборга чўҳқалар сотиб олишдан бошлади. Колхоз правлениеси ва партия комитети коммунист аёлнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади.

1953 йили ташкил этилган чўҳқачилик фермаси 6 йилда колхозга 3 ярим миллион сўмга яқин даромад келтирди. Айниқса семиртирилган чўҳқалар гўштга топширилганда колхозчилар чўҳқачилик сердаромад тармоқ эканлигини кўриб, «Раҳмат Нинахон» дейдиган бўлиб қолдилар.

Нина Гавриловна республика чўҳқабоқарларининг кенгашига ҳам муносиб совға билан келаётир. Ўтган хўжалик йилида ўртоқ Бабич 36 бош она чўҳқанинг ҳар биридан пландаги 25 ўрнига 35тадан бола олиб, фермадаги ҳайвонларнинг сонини 475 бошга етказди. Йил давомида 207 бош чўҳқани семиртириб давлатга 200 центнер гўшт топширди. Бир центнер гўштнинг таннархи нархларнинг янги миқёсида 6 сўм 50 тийинга тушди.

ҲАР УЙДА ФАРОВОНЛИК

Хўжайли районидаги Энгельс номли колхоз бухгалтериясига кирганимизда, бухгалтер ўртоқ И. Есерженов ҳисобот тузиш билан машғул эди. У бир варақ оқ қоғозни олди-да, кўк қалам билан 374 ва 1020 рақамларини ёзиб доирага олди.

— Мана бу рақамларга назар ташланг, — деди бухгалтер, — 374 сўм колхозчи Тиллахон Абдимуродованинг ўртача ойлик иш ҳақи эди. Мен 1953 йилни айтяпман. Бултургиси эса 1020 сўмга етибди. Колхозчининг ойлик меҳнат ҳақи 1953 йилдан буён уч баравардан ортиқроқ кўпайибди.

520 колхозчининг номини санаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Ҳар бирининг ойлик меҳнат ҳақи шу вақт ичида 3-4 баравар кўпайди. Масалан механик-ҳайдовчи Авазжон Пирлиесова ойига 1500 сўмга етказиб пул олар экан.

Ўртоқ Есерженовнинг келтирган мисоллари колхозчилар ҳаёти партия ва ҳукумат ғамхўрлиги туфайли кун сайин фаровон бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. Колхоз 1953 йилда 3 миллион 470 минг сўм даромад қилган бўлса, бултурги даромад эски пул билан 11 миллион 282 минг сўмга етди.

— Бухгалтерлар қуруқ рақам санаб ўтиришади, деб ўйлайдилар, — деб сўзида давом этди бухгалтер. — Бу рақамлар ҳар биримизни қувонтиради. Колхозчиларимиз фаровон ҳаёт кечиришяпти. Етти йилликнинг учинчи йилида эса ишимиз янада яхшироқ бўлади. Давлатга қанча кўп пахта, қанча кўп чорвачилик маҳсулотлари етказиб берсак, ҳар бир хонадонга шунча кўп бойлик киради.

И. МАДГАЗИН.

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Доғистоннинг қирқ йиллиги

РСФСР составида Доғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилган кунга 20 январда 40 йил тўлди.

Доғистон халқи қардош халқларнинг дўстона оиласида халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Республикада саноатнинг нефть, энергетика, машинасозлик, кимё, ойна-шиша, бинокорлик материаллари, йирик озиқ-овқат саноати сингари янги тармоқлари вужудга келтирилди.

1960 йилда саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдагига қараганда қарийб 45 баравар кўпайди, электр энергияси ҳосил қилиш ва нефть қазиб чиқариш ўнларча баравар ошди. Ҳозирги вақтда бир ҳафтада Автоном республикада бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилганидан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Республикада маҳаллий миллат кишиларидан малакали ишчи, техник, инженер кадрлар ўсиб етишганлигини алоҳида уқтириб ўтмоқ керак.

Доғистон бутун мамлакатда ўзининг озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билангина ном чиқаргани йўқ. Доғистон халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар мамлакатдаги 33 область, ўлка ва республикага насослар, мактаб электростанциялари, юқори частотали тобловчи печлар, ювадиган машиналар юбориб турибди. Маҳаллий халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналарда тайёрлаб чиқарилаётган қарийб 40 хил маҳсулот Хитой, Германия Демократик Республикаси, Польша, Болгария, Чехословакия, Венгрия, Вьетнам, Бирма, Англия ва бошқа мамлакатларга юборилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта социалистик ўзгаришлар юз берди. Экин майдонлари икки баравар кенгайтирилди. Республиканинг текислик районларидаги ерларни ҳайдаш, экиш, дон экинларини йиғиб олиш ишлари буткул механизациялаштирилган.

Республиканинг колхоз ва совхозлари кейинги беш йилнинг ўзидагина 50 минг гектар ерда боғлар ва узумзорлар барпо этдилар. Етти йилликнинг охирига бориб, боғ ва токзорлар майдони яна юз минг гектарга кенгайтирилади.

Республикада чорвачиликни юксалтириш соҳасида катта ишлар қилинди.

Тоғликларнинг маънавий қиёфасида ажойиб ўзгаришлар рўй берганлигини алоҳида уқтириб ўтиш керак.

Бир миллион 63 минг кишидан иборат аҳолиси бўлган республикада тўрт олий ўқув юрти, шу жумладан Доғистон университети, 27 ўрта мактаб, 1690 мактаб ишлаб турибди. Совет ҳокимияти йилларида ўқувчилар сони 25 баравар кўпайди.

Совет ҳокимияти тоғликларга илм фан сари кенг йўл очиб берди. Республикада СССР Фанлар академиясининг Доғистон филиали, кўпгина илмий-тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Кейинги 10 йил мобайнида тоғликлардан 86 киши кандидатлик диссертацияларини ёқладилар, маҳаллий миллат кишиларидан бир қанча олимлар эса фан докторлари номини олишга муяссар бўлдилар.

Республикада турли миллатдаги 60 ёзувчини бирлаштирадиган ёзувчилар ташкилоти ташкил қилинган. Ўтган йили Москвада ўтказилган Доғистон санъати ва адабиёти декадасига атаб Москва ва Доғистон нашриётлари маҳаллий адибларнинг 150 номдаги китобларини нашр этдилар.

Республикамизда олти театр, филармония ишлаб турибди. «Лезгинка» хореография ансамбли. Доғистон халқлари давлат ашула ва рақс ансамбли ва бошқа ижодий коллективлар халқ орасида эҳтиёр эътибор қозонди.

Тоғлик хотин-қизларни озодликка чиқаргани Совет ҳокимиятининг ажойиб ғалабалари ҳақида гапириб ўтмаслик мумкин эмас. 25 минг кишидан кўпроқ хотин-қиз соғлиқни сақлаш ва маориф органларида ишламоқда. Доғистон хотин-қизларидан 56 киши СССР, РСФСР, Доғистон АССР Олий советларининг депутати қилиб, беш мингдан кўпроқ киши маҳаллий советларнинг депутатлари қилиб сайланган.

Ана шу муваффақиятлар учун Доғистон халқлари Коммунистик партия, Совет ҳукуматидан, улуғ оғамиз — рус халқидан чексиз миннатдордирлар.

КПССнинг XXII съездини чақириш тўғрисидаги хабар республиканинг шаҳар ва овулларида мислсиз сиёсий активлик туғдирди. Меҳнаткашлар съезд шарафига етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан янги юксак мажбуриятлар олмоқдалар.

Г. АЛИЕВ,
Доғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

ЯНГИ МАРРАЛАРГА

Китоб районидаги «Партия XIX съезди» колхозида ўтган йилнинг натижаларига якун ясалди. Колхоз давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли бажарди. Экин майдонининг ҳар гектаридан ўртиз ярим центнердан пахта олинди.

Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Каромат Рустамова бундай деди:

— Биз пахтанинг «1922» деб аталувчи янги навини етиштирдик. Унинг толаси юқори сифатлилиги билан фарқ қилади. Колхозчиларимиз партиянинг XXII съездини муносиб совғалари билан кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, янги маррани қўлга киритиш, яъни ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Ҳозирги вақтда ҳамма далалардан ғўзапоя йиғиштириб олинди. Шудгорлаш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда, далаларга органик-минерал ўғитлар чиқариб тўкилмоқда, ерларга яхоб суви беришга тайёргарлик бошланди. (ЎзТАГ).

БОҒБОНЛАР

Жонажон Коммунистик партиямиз XXII съезди чақирилиши тўғрисидаги хушхабарни қувонч билан кутиб олган «Бўстонлиқ» боғ совхози коллективи съезд олди меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Совхознинг ўртоқ Исмоилов бошлиқ ипакчилик бригада аъзолари 3х3 схемасида 180 минг туп тут кўчати ўтказди.

Бўлимнинг Хоҳмурод Салоиддинов, Турғун Сулаймонов, Неъмат Тошматов ўртоқлар бошлиқ боғдорчилик бригадалари совхознинг «Яккатут», «Дўнг», «Шунгак» участкаларидаги 70 гектар ерга 140 минг туп узум кўчати, 10 минг туп иҳота дарахти кўчатлари ўтказдилар.

Р. УМАРОВ.

ҲАР ЕРДАН

ТРАССАДА ИШЛАР ЖАДАЛ

ФАРҒОНА («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Катта Фарғона канали иккинчи навбат реконструкциясининг бошланганига икки ҳафта бўлди. Олтиариқ районидан тортиб, Бешариқчача бўлган 90 километр масофада ишлар қизғин. 69 экскаватор, 7 бульдозер, қудратли техника, мингдан ортиқ қурувчилар маҳорат билан меҳнат қилмоқдалар. 16 январгача Катта Фарғона канали трассасида 393,2 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди.

Съездолди социалистик мусобақасида Абдуваҳоб Асанов, Николай Павлученко, Степан Баҳоров бошлиқ экскаватор бригадалари олдинда бормоқдалар. Улар коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмоқдалар.

КОММУНИСТЧАСИГА

НАМАНГАН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). 2- пахта тозалаш заводида партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кучайтирилди. Шарафиддин Баҳриддинов бошлиқ бригада мусобақада илғор.

Слесарь Ҳожимирза Тожибоев, Муса Отахонов, электромонтер И. Баннинов, тола ажратувчи Маҳмуд Раҳматуллаев, бош механик Аксенов, қурувчи Содиқов, слесарь Юнус Алиев, электр цех бошлиғи Веденюк ва механик Датковский каби ўртоқлар айниқса яхши ишлаётирлар. Улар заводда техникани тараққий эттириш, ихтирочилик ҳаракатини авж олдиришда ҳам ташаббускор бўлмоқда.

КОМСОМОЛ ПУТЕВКАСИ БИЛАН

ҒАЛЛААРОЛ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Район комсомол комитетига янги ерларни ўзлаштирувчилар қаторига юборишни истаб комсомолёшлардан кўплаб ариза тушмоқда. Жумладан, Асад Хушбеков ва Ҳусан Абдусатторов ўртоқлар ўз аризаларида шундай ёзганлар:

— Ўрта мактабни битирдик. Бироқ маълум касбга эга эмасмиз. Мирзачўлга бориб, бульдозерчи бўлиб ишлашни орзу қиламиз.

Район комсомол комитети булар қатори ўнлаб комсомол-ёшларнинг илтимосини қондириб янги ерларга бориб ишлаш учун путевка берди.

Янги ерларга борувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Район комсомол комитети улар орасидан 4 та далачилик бригада бошлиғи, 22 та бригада механиги ва кўплаб бошқа касбдаги кишиларни танлаб олиб, қўриқ ерларда ташкил этилган янги совхозларга ишга юбориш учун ҳозирлик кўрмоқда.

„ЗВЕЗДА ВОСТОКА“

Журналнинг январь сонида «Замонамиз қаҳрамонлари» рубрикасида Санжар Тилланинг «Поплик Мамажон ота» очерки берилган.

Шоир Николай Матвеевич Грибачевнинг эллик ёшга тўлганлиги муносабати билан «Олдинги сафдаги жангчи» сарлавҳали редакцион мақола ҳамда шоирнинг шеърлари босилган.

Шоир Шукрулло, Асқад Мухтор, Михаил Викадоровларнинг шеърлари, ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Варио», Шуҳратнинг «Танбех» ҳикоялари, Вильям Александровнинг «Дарё ёқасидаги уй» повести босилган. «Публицистика» бўлимида Ҳ. Фатхутдинов «Қизил қумга ҳужум» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

«Адабий танқид» бўлимида Ю. Яноскийнинг «Орзу юлдузлар томон қаратилган», Ж. Ҳожиметовнинг «Катта етук ижод», Я. Симкининг «Инсонга ишонч», В. Байсербергнинг «Китоблар ҳақида ёзилган китоб» сарлавҳали мақолалари бор.

Санъатшуносликка фанлари кандидати Я. Мельдманнинг «Ўзбек пъесалари ва рус саҳнаси» сарлавҳали мақоласи босилган.

БМТдаги совет вакили Хаммаршельдни айбламоқда

СТИВЕНСОН: ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА УНИНГ БМТДАГИ ҚОНУНИЙ ЎРНИ БЕРИЛИШИ МУҚАРРАРДИР

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

ПРАГА, 17 январь, (ТАСС). Чехословакия жамоатчилиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш йўллари ҳамда воситаларини муҳокама қилаётган КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишини зўр эътибор билан кузатиб турибди. «Руде Право» газетаси кеча бутун бир саҳифада ва бугун ярим саҳифада Пленумнинг бир қанча қатнашчилари нутқларидан парчалар босиб чиқарди. Газета айрим нутқларни баён қилиб, Н. С. Хрушчевнинг нотиқларни ва Пленумнинг ҳамма қатнашчилари диққат-эътиборини қишлоқ хўжалигининг туб ва актуал масалаларига қаратаётган лўқмаларини тўла босиб чиқармоқда.

«Свободне слово» газетаси Пленум қатнашчиларининг нутқларида келтирилган маълумотларга ва Н. С. Хрушчевнинг мулоҳазаларига асосланиб, СССРда «қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор» деб таъкидламоқда. «Млада фронта» газетаси ўзининг бутун бир саҳифасида Пленум материалларини босиб чиқариб, қишлоқ хўжалигида фаннинг катта роль ўйнаётганлигига алоҳида эътиборни жалб этади.

ШИМОЛИЙ ВЬЕТНАМ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ХАНОЙ, 19 январь. (ТАСС). Вьетнам халқи кейинги уч йил ичида мамлакатни индустриалаштириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. 1960 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1957 йилдагига нисбатан 4,2 баравар кўпайди. Ана шу давр ичида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ўртача йиллик суръатлари 47,5 процентни ташкил этди. Ишчилар сони 26,5 процент кўпайди.

Саноатнинг эски тармоқлари билан бир қаторда, станоксозлик, двигатель ва компрессорлар ишлаб чиқариш, аппатит, хром қазиб чиқариш каби янги тармоқлари ҳам ривожланди.

Ишчиларнинг моддий аҳволи анча яхшиланди. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи 1957 йилдагига нисбатан 25 процент ортди.

Биринчи беш йилликда республика саноати олдида катта вазифалар турибди. Планга мувофиқ саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми беш йилликнинг охирига бориб 1960 йилдагига нисбатан уч баравар ортиши керак. Беш йил ичида 200 га яқин саноат корхонаси қуриш мўлжалланади.

Шу йиллар ичида асосий эътибор оғир саноатни ривожлантиришга ва биринчи галда металлургияни, цемент, ўғит, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда мамлакатни электрлаштиришга қаратилади.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЕТ ЙЎЛИДА

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монцамэ агентлиги хабар беради: Мўғулистон Халқ Республикасида машина-қорвачилик станцияларининг сони йил сайин кўпаймоқда ва қорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда эгин майдонларини кенгайтириш соҳасида улар фаолиятининг доираси кенгаймоқда. 1956 йилда мамлакатда 4 машина-қорвачилик станцияси ишлаб 15 қишлоқ хўжалик бирлашмасига хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда эса 36 машина-қорвачилик станцияси бўлиб, 180 қишлоқ хўжалик бирлашмасига хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда машина-қорвачилик станциялари қишлоқ хўжалик бирлашмаларидаги ҳамма ишларнинг 20 процентини бажармоқда.

КОНГО МИЛЛИЙ РАҲБАРЛАРИГА НИСБАТАН ЯНГИ ЖИНОЯТ

НЬЮ-ЙОРК, 19 январь (ТАСС). 18 январда БМТ ҳузуридаги СССР нинг доимий вакили В. А. Зорин БМТ бош секретари Хаммаршельд ҳузурида бўлди ва Конго Республикасининг бош министри Патрис Лумумба ҳамда Конгонинг кўзга кўринган бошқа арбобларининг Бельгия мустамлакачилари қўлига туширилгани юзасидан оғзаки шаклда баёнот айтиб берди. В. А. Зорин бош секретарь Лумумба, Окита ва Мполонинг дарҳол озод қилиниши ва уларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланиши учун ҳамма зарур чораларни кўриши кераклигини қатъий талаб қилди.

Айни вақтда совет ваколатхонаси қуйидаги баёнотни тарқатди:

Маълум бўлишича, Конго Республикасининг бош министри Патрис Лумумба Конгонинг кўзга кўринган икки арбоби — сенат раиси Жозеф Окита ва мудофаз министри Морис Мполо (ўлар Мобутунинг қуролли шайкалари томонидан бебошларча озодликдан маҳрум этилган эдилар) қонунга хилоф равишда тюрьмада сақланган Леопольдвиль районидан Катанга территориясидаги тюрьмага ўтказилди. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, ана шу кўчириш вақтида Конго қонуний ҳукуматининг бошлиғи ва унинг икки сафдоши шафқатсизларча қалтакланган ва ҳар хил таҳқирлашларга дучор қилинган.

Бу ҳаракатлар ҳозир Конгода мавжуд қонунга хилоф режим бошлиқларининг ўтакетган янги жинояти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан улар томонидан қилинган яна бир очиқдан-очиқ одобсизликдир. Ҳақиқатан ҳам Лумумба, Окита ва Мполонинг Катанга территориясига кўчирилиши амалда уларни тўғридан-тўғри Бельгияда мустамлакачилари қўлига топширишни билдиради, чунки Катанга Бельгия оккупацияси режими ўрнатилган ҳамда ҳамма ишлар амалда Бельгия мустамлакачи маъмурияти ва унинг малайи Чомбе томонидан ҳал қилинмоқда.

Конго халқининг миллий раҳбарларига нисбатан янги жиноят-корона иш Бельгия мустамлакачилари, уларнинг НАТО бўйича иттифоқчилари ва уларнинг қўғирчоқларининг ҳақиқий мақсадини яна бир марта тўла ва равшан кўрсатади. Лумумба, Окита ва Мполонинг бельгияликлар қўлига топширилиши ҳозир Конгода ўрнатилган режимнинг нимадан иборат эканлиги ва бу режимни қимлар қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида ҳеч кимда заррача ҳам шубҳа қолдирмаслиги керак.

Шу нарсага эътибор бериш керакки, Конго миллий раҳбарларига нисбатан янги жиноят хавфсизлик Кенгашида Конго республикасига қарши Бельгиянинг агрессив ҳаракатлари активлашаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилиши билан дарҳол амалга оширилди. Бельгиянинг агрессив ҳаракатлари дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан қатъий қораланмоқда. Шу ҳақиқат яна ва яна бир марта аниқланмоқдаки, Бельгия НАТО бўйича ўз иттифоқчиларининг ёрдамига таяниб, Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея қарорларини бажармаяпти.

Бу ҳаракатлар ҳозирги Конгодаги вазиятнинг ҳаддан ташқари оғирлашуви ва Бельгия мустамлакачилари ва уларнинг ёлғончи ҳимоячилари ҳамма ерда, ҳатто Конгодаги ҳамма ишлар Бельгия мустамлакачилари ва уларнинг малайлари ҳамма ерда, ҳатто Конгодаги ҳамма ишлар Бельгия мустамлакачилари ва уларнинг малайлари Мобутунинг ҳимоя остида ҳеч ҳисобга олинмаяпти, деган ҳақиқатдан ҳам, Лумумба ва унинг сафдошларининг бебошлик билан қамоққа олинишидан ҳам (бу қамоққа олиш уларга Мобутунинг шайкалари ҳукуминининг натижаси бўлди), уларга нисбатан яқинда қилинган зўравонлик ҳаракатлари ҳам Конгодаги «БМТ қўшинлари» қўмондонлигининг кўз олдида рўй берди. Шундай қилиб, «БМТ қўшинлари» қўмондонлиги ҳам, бош секретарь ҳам мустамлакачилар фойдасига ташкил қилинаётган бу ишлар учун масъулиятни ўзларидан соқит қила олмайди.

В. А. ЗОРИН БАЁНОТИ

<>

Мполонинг Катанга территориясига кўчирилиши амалда уларни тўғридан-тўғри Бельгияда мустамлакачилари қўлига топширишни билдиради, чунки Катанга Бельгия оккупацияси режими ўрнатилган ҳамда ҳамма ишлар амалда Бельгия мустамлакачи маъмурияти ва унинг малайи Чомбе томонидан ҳал қилинмоқда.

Конго халқининг миллий раҳбарларига нисбатан янги жиноят-корона иш Бельгия мустамлакачилари, уларнинг НАТО бўйича иттифоқчилари ва уларнинг қўғирчоқларининг ҳақиқий мақсадини яна бир марта тўла ва равшан кўрсатади. Лумумба, Окита ва Мполонинг бельгияликлар қўлига топширилиши ҳозир Конгода ўрнатилган режимнинг нимадан иборат эканлиги ва бу режимни қимлар қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида ҳеч кимда заррача ҳам шубҳа қолдирмаслиги керак.

Шу нарсага эътибор бериш керакки, Конго миллий раҳбарларига нисбатан янги жиноят хавфсизлик Кенгашида Конго республикасига қарши Бельгиянинг агрессив ҳаракатлари активлашаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилиши билан дарҳол амалга оширилди. Бельгиянинг агрессив ҳаракатлари дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан қатъий қораланмоқда. Шу ҳақиқат яна ва яна бир марта аниқланмоқдаки, Бельгия НАТО бўйича ўз иттифоқчиларининг ёрдамига таяниб, Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея қарорларини бажармаяпти.

Жаноб Лумумба ва унинг сафдошларининг бебошлик билан қамоққа олиниши ҳам (бу қамоққа олиш уларга Мобуту шайкалари ҳукуминининг натижаси бўлди), уларга нисбатан яқинда қилинган зўравонлик ҳаракатлари ҳам Конгодаги «БМТ қўшинлари» қўмондонлигининг кўз олдида рўй берди. Шундай қилиб, «БМТ қўшинлари» қўмондонлиги ҳам, бош секретарь ҳам мустамлакачилар фойдасига ташкил қилинаётган бу ишлар учун масъулиятни ўзларидан соқит қила олмайди.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ХАНОЙ, 19 январь. (ТАСС). Ҳукумат қўшинлари 17 январь кечқурун Патет-Лао кучлари билан биргаликда Хумлар водийсидан Луан-Прабан ва Вьентьянга олиб борадиган йўлда жойлашган муҳим таянч пункти Сала-Фухунга ҳужум қилдилар. Бир неча соат давом этган жангдан кейин исёнчиларнинг катта қисми қириб ташланди, қолганлари Луан-Прабан томонга чекиндилар.

«Патет-Лао овози» радиоси яна қуйидагиларни хабар қилади: Ҳукумат қўшинлари Сала-Фухун ёнида олиб борилган жанглар вақтида АҚШ ҳукумати томонидан исёнчиларга берилган 4 самолётдан «Т-6» типидаги америка самолётини уриб туширдилар.

АҚШ СТРАТЕГИК АВИАЦИЯСИ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 январь, (ТАСС). Қўшма Штатлар стратегик авиациясининг қўмондонлиги «Б-52» типидаги бомбардимончи самолётларининг муайян миқдори доимо ҳавода учиб юрибди, лекин қўмондонлик вакили бу самолётларда атом қуроли борми ёки йўқми эканлигини хабар қилишдан бош тортган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, АҚШ стратегик авиациясининг қўмондони Пауэр айтдики, жанговар тайёргарлик ҳолатига келтиришга тайёрлаш программаси бўйича машқлар босқичи тугалланди ва «Б-52» бомбардимончи самолётларининг жангга тайёр ҳамма экипажлари жангга жуда яқинлаштирилган шароитда тревога сигнали бўйича машқ операцияларида қатнашмоқда.

Стратегия авиациясининг вакили саволга жавобан бундай деди: «Биз самолётларимизда атом қуроли борлигини тасдиқлай ҳам олмаймиз, рад ҳам эта олмаймиз, лекин шуни айтишимиз мумкинки, машқ жанговар ҳолатига жуда яқинлаштирилган шароитда ўтказилмоқда».

Бельгиядаги аҳвол

ПАРИЖ, 19 январь. (ТАСС). Халққа зид бўлган «ягона қонунга» қарши курашаётган Бельгия меҳнаткашларининг забастовкаси 31 кундан бери давом этмоқда. Льеж ҳавзасидаги, Шарлеруа районидаги ва марказдаги металлургия, метал ишлаш ва кўмир саноатида илгаригидек ҳозир ҳам забастовка давом этмоқда.

Франс Пресс агентлигининг кўрсатишича, парламентнинг ҳар иккала палатасини муддатидан илгари тарқатиб юбориш идеяси, бош министр Эйскенснинг қаршилик кўрсатишига қарамай, Бельгия сиёсий доираларида тобора кўпроқ тарафдорларни ўзига жалб этмоқда. Янги парламент сайловлари шу кўнлам фаслида, яъни ҳозирги парламент ваколатларининг муддати тамом бўлишидан бир йил олдин ўтказилади, деб тахмин қилинмоқда.

Бунга халқит бериб бўлмайди

ВАШИНГТОН, 19 январь. (ТАСС). АҚШнинг янги президенти Кеннеди томонидан АҚШнинг БМТдаги вакили қилиб тайинланган Эдлай Стивенсон ташқи ишлар сенат комиссиясининг мажлисида нутқ сўзлади. Комиссия аъзоларининг Кеннеди ҳукумати Хитой Халқ Республикасига нисбатан қандай сиёсат тутиши мумкин, деган саволларига жавоб бериб, Стивенсон айтдики, Хитой Халқ Республикасига унинг БМТдаги қонуний ўрни берилиши муқаррардир ва «бунга халқит бериб бўлмайди».

Стивенсон АҚШ республикачилар ҳукуматининг Хитой Халқ Республикасини БМТга қабул қилишга халқит берган сиёсати ҳақида гапириб, жумладан бундай деди: «Шу факт равшандирки, Хитой Халқ Республикасининг БМТ даги вакиллиги соҳасидаги бизнинг позициямизни қўллаб қувватлаш кейинги йилларда муқаррар суратда камайди». Биз бошқа бир яқол фактни ҳам тан олишимиз керакки, деди Стивенсон, қуролсизланиш ҳақидаги бирор битимни Хитой Халқ Республикасининг иштирокисиз тузиш мумкин эмас.

Бироқ Стивенсон ўзининг шахсан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришни ёқлаб чиқмаётганлигини таъкидлади.

Ватанпарвар кучларнинг бирлиги —муваффақият гаровидир

ХАНОЙ, 18 январь. (ТАСС). Лаосдаги Нео Лао Хак Сат ватанпарварлар партияси Марказий Комитетининг раиси шаҳзода Суфанувонг кеча Сиенг-Куанг гарнизонининг офицерлари ва солдатлари олдида нутқ сўзлади.

У, қўшинларни Хумлар водийсида, Фонг-Сали, Сиенг-Куанг вилоятларида, Луан-Прабан яқинида эришилган зафарлар билан қутлади ва ҳукумат қўшинлари ҳамда Патет-Лао жангчилари Лаос ҳукумати ва халқи томонидан қўйилган вазифаларни бажарадилар, деб ишонч билдирди. Суфанувонг жангчиларни ўз ҳарбий маҳоратларини оширишга, ватанга ва халққа содиқ бўлишга, душманларга нисбатан муросасиз бўлишга ва душманларнинг ёвузларонаҳ найрангларига нисбатан ўз ҳушёрликларини оширишга даъват этди.

СУФАНУВОНГ НУТҚИ

□ □

Ҳукумат қўшинлари билан Патет-Лао кучлари ўртасида, деди Суфанувонг, маҳкам ҳамкорлик бўлиши ва улар бир-бирларига ёрдам беришлари, офицерлар ва солдатлар бир бутун бўлишлари ва бир-бирларини ҳурмат қилишлари зарур.

Ҳукумат қўшинлари билан Патет-Лао кучлари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик, деб уқтириб ўтди шаҳзода Суфанувонг, Америка агрессорлари ва исёнчиларни тор-мор келтиришнинг гаровидир.

АФРИКА АФРИКАЛИКЛАРНИКИ!

АДДИС-АБЕБА, 19 январь. (ТАСС). Ньясаленд «Малави конгресси» партиясининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Каниеме Чиуме кеча бу ерга келди. У матбуот конференциясида инглиз мустамлакачиларининг Ньясаленда қилаётган ёвузликлари ва вахшийликлари тўғрисида сўзлаб берди.

Мустамлакачи маъмурият амалдорлари ва полиция деди Чиуме, бўлажак сайловлар арафасида африкаликларни чўчитиш мақсадида ватанпарварлар ва партия активларидан кўп кишини қамоққа олмоқдалар. Ана шу сайловларда территория қонун чиқарувчи кенгашида африкаликлар кўпчилик ўринни олишлари керак. Мустамлакачилар, деди Чиуме, ўтган ойда Хералд порти районининг бир ўзидагина 70 кишини камоққа олдилар ва жуда қаттиқ қалтаклаганларидан кейин уларни тюрьмага ташладилар.

Аммо, деб таъкидлади Чиуме, мустамлакачиларнинг шафқатсиз террорига қарамай, Ньясаленд халқи бўлажак сайловларда ғалаба қозонишга, мустақилликни курашиб қўлга киритишга ва мустамлакачиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришга қатъий бел боғлагандир. Африка проблемаларини, деди Чиуме, африкаликларнинг ўзлари ҳал этишлари керак.

ҚУМРИ ОПА

«Қизил Ўзбекистон»нинг 5 январь сонида Қумри Иброҳимованинг юксак ҳалоллик намунасини кўрсатиб, пул айнрбошлаш пунктида ортиқча бериб юборилган пулни кассага қайтаргани ҳақида хабар босилган эди. Бу хабарни ўқиган газетхонлар Қумри Иброҳимовага кўпдан-кўп ташаккур изҳор қилиб, хатлар ёзмоқдалар.

Самарқанд область «Ленин йўли» газета редакциясининг бир группа ходимлари ўз хатларида Қумри Иброҳимовани гоят самимият билан табриклаганлар. Каттақўрғонлик ёшлар бу олижаноб аёлнинг сиймосини кўришни истайдилар. Редакция шу талабларни эътиборга олиб, Қумри опанинг суратини газетада босди. Фотомухбир В. Кожевников онани турли тарафдан келаётган табрик хатларидан бирини ўқиб турганда суратга олган.

Виставкага қўйилган китоблар, карталар, плакатлар, фотосуратлар эстон халқининг қисқа вақт ичида эришган ютуқларини ҳикоя қилиб беради.

— Бу виставканинг ташкил этилиши,— деди виставка директори ўртоқ А. Мятинг,— қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлайди. Эстон халқи ўзбек халқига ўзининг қизғин ва самимий саломини топширишни илтимос қилганлигини Сиз виставкани томоша қилган кишилар орқали бутун ўзбек халқига топшираман.

З. АХТЯМОВА.

ҲОДИСА

Тийиндан урувчилар қўлга тушди

Тошкент шаҳар, Октябрь район колхоз бозорида жойлашган 60-сон магазин ходимларининг ножўя ишлари ҳақида кўплаб шикоят тушар эди. Харидорларнинг шикоятига қараганда магазин сотувчилари А. Расулхўжаев, Н. Яминова ва З. Темиров нонни ошиқ нарх билан сотиб келганлар.

Ўтган йил декабрь ойининг охирида юқорида номлари кўрсатилган магазин ходимлари Бектурдиев ва Раҳматор деган шахсларга донаси 55 тийинлик 2650 дона нонни 60 тийиндан сотаётганларида қўлга тушдилар.

Расулхўжаев, Яминова ҳамда Темировлар бундан олдин ҳам шундай ишлар билан шуғулланиб келганлар. Буларнинг ғайри қонуний ишларидан хабардор бўлган магазин директори Олим Махсумовнинг уларга нисбатан чора кўриш ўрнига, ўзини билмасликка олиб юриши ажабланарлиндир.

Жиноятчилар устидан тергов олиб борилмоқда.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Кеча пойтахтдаги округ-офицерлар уйининг залида Совет Эстонияси республикасининг эришган ютуқларини акс эттирувчи виставка очилди. Виставканинг очилиш маросимида сўзга чиққан ўртоқлар қардош республикамиз — Совет Эстонияси саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти эришган ютуқлар ҳақида, Совет ҳокимияти даврида эстон халқининг ҳаёти фаровонлашиб бораётганлиги тўғрисида сўзладилар.

ГАЗЕТАЛАР ЯНАДА ТЕЗ БОСИЛАДИ

Пойтахтнинг Дзержинский кўчасида тўрт қаватли янги биноқад қўтарди. Бу, бирлашган нашриётнинг ротацион цехидир. Кўни кеча босмахона коллективи катта хурсандчилик билан бу цехни ишга туширди. Аввалги цех нашриётнинг асосий корпусидан анча узоқда жойлашган бўлиб, бино ҳам анча ноқулай эди.

— Янги ротацион цехга,— деб ҳикоя қилади босмахона бош инженери ўртоқ Б. Қамбаров,— янги газета автомат машинаси ўрнатилди. Бу машина бир соат ичида 300 минг нусха газетани босмоқда. Янги машинанинг бир ўзи эски ротацион машинанинг 20 тасининг ишини бажара бошлади.

Бир миллиондан ортиқ нусха билан босиладиган 15-та республика газетасини ўнта машина етти соат ичида босар эди. Энди ана шу 7 соат вақт 4,5 соатга қисқарди, яъни энди бу газеталар 2,5 соат ичида босилиб бўлади. Босмахонамизда Марказий газеталардан ярим миллионга яқин босилар эди. Буни босиш учун илгари 4 соатдан ортиқ вақт кетган бўлса, энди бунга 1,5—2 соат вақт етарлик.

Ҳозирги кунда босмахона коллективи янги цехни тўла ишга туширишни учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

——<>——

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 ЯНВАРДА

18.30 — **Костёр** (теленўрнал). 19.10 — **Техника тараққиёти учун** (Ўзбек тилида илмий-оммабоп фильм). 19.30 — **Сўнгги ахборот.** 19.50 — **Концерт** (Ўзбекистон композиторлари асарларидан). 20.20 — **Ленин ҳақида ҳикоялар** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/I-да **Риголетто**, 22/I да эрталаб **Олтин налид.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/I-да **Йўлчи юлдуз.** 22/I да эрталаб ва кечқурун **Фурқат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да **Паранжи сирлари** («Холисхон»).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР да хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** Ўзбек чавандозлари Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Хўжаева, Анвар Хўжаевлар** ва томоша давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Яшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва 7 яримда. Билетлар сотилган.

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 8 яримда). **Кўчма қалъа** (янги кенг экранли фильм, кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Оливер Твист — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Юлюс Янонис — «ДРУЖБА» (2-зала кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 ярим ва кеч 6.50 минутда).

Эски Чикагода — «ДРУЖБА» (1-зала), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 10-40 минутда).

Йўлилар чайласидаги дўстлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Менсина осмони тагида — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да).

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

22 январь кундуз соат 8 да: **«Сўратни қандай томоша қилиш керак»** деган темада

ЛЕКЦИЯ

Лектор — **Р. С. Тагирова.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

22 январда

100-спектакль

М. Ашрафий.

ДИЛОРОМ

Спектаклда: СССР халқ артисти **Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Саттор Ярашев, Карим Зокиров Насим Ҳошимов,** Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Ҳалима Комилова, Жамол Низомхўжаев, Асад Азимовлар** қатнашади.

Дирижёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий.**

Спектакль кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 январда

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ансамблдан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова,** солистлар **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова, Акбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев, Болта Шарипов,** филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова** қатнашади.

22, 25 январда

«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

21, 22 январда

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган

ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев,** солистлар **Фахриддин Умаров, Муҳаббат Мусаева, Малоҳат Дадабоева, Тўхта Рисметова, Назрулла Ёқубов,** артистлар **Э. Муҳитдинов, Ж. Қосимов, О. Абдураззоқов,** Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли: **О. Ҳасанов** (чанг), **М. Халилов** (ғижжак), **Х. Юсупов** (най), **Ж. Мирхолиқов** (доира), **М. Тошмуҳамедов** (рубоб), **В. Тягнибидний** (баян) қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СПОРТ МАВСУМИ

Бу йилги спорт мавсумида республика физкультурачилари ҳаётида қандай янгиликлар бўлади? Мухбиримиз шу савол билан Ўзбекистон ССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари қўмитасининг раиси ўртоқ В. Митрофановга мурожаат қилди. Ўртоқ Митрофанов қуйидагиларни айтди:

Республика спорт қўмитаси президиуми ўзининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида «1961 йил спорт тадбирлари календари»ни кўриб чиқди. Бу йил мусобақалар, ўртоқлик учрашувлари ўтган йиллардагига қараганда анча кўп бўлади. Физкультура ва спортни чинакам оммавий ҳаракатга айлантиришда бунинг аҳамияти шубҳасиз катта.

Ўзбекистон спортчилари мавсумда касаба союз спорт жамиятлари ҳамда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашадилар.

Ҳозирги пайтда физкультура ҳаракатининг негизи—колхоз, совхоз, РТС, корхона, муассаса ва ўқув юртлари физкультура коллективларида бевосита мусобақалар уюштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Маълумки, спортда оммавийликни таъминлагандагина маҳорат учун кураш олиб бориш мумкин. Республика спорти тарихида биринчи марта ўтказиладиган шаҳарлараро спартакиадада 32 шаҳар коллективининг иштирок этиши мўлжалланади. Спартакиада май ойида ўтказилади. Орадан бир ой ўтгач, хотин-қизларнинг биринчи республика спартакиадаси бўлади.

Спорт ташкилотлари, касаба союз, халқ маорифи органлари ва кўнгилли спорт жамиятлари томонидан ўтказиладиган мусобақалар республикада мавжуд физкультура коллективларининг ҳаммасида бўлиб ўтади. Бу, мусобақаларда ўз умрини спортга бағишлаган ҳар бир ишчи ва колхозчи, ўқувчи, студент ва зиёли иштирок эта олади. Бу эса янгиданянги спорт мастерлари, юқори ихтисосли спортчиларни етиштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга республикамиз спорт делегациясининг СССР халқларининг навбатдаги спартакиадасида ўтган галгига қараганда муваффақиятлироқ қатнашиши учун замин тайёрлаб беради.

Ўзбекистон спортчилари чет элларга борадилар ва ўз майдонларида чет эл мамлакатларидан келадиган меҳмонлар билан учрашадилар.

Ўзбекистон баскетболчилар терма командаси Корея Халқ Демократик Республикасига боради. Тошкентлик спорт ишқибозлари Мўғулистон Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ССР эрлар баскетбол командалари ўртасидаги халқаро ўртоқлик учрашувини томоша қиладилар. Мўғулистонлик меҳмонлар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон спортчилари билан ҳам учрашадилар.

Боксчиларимиз биринчи халқаро учрашувларини Эронда ўтказадилар.

Пойтахтимизга Афғонистон эркин курашчилар командаси келади. Улар Фрунзе ва Сталинобод ҳам борадилар.

Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Закавказье республикаларининг бир неча кун бўладиган велосипед пойгасида иштирок этиш учун Бирлашган Араб Республикаси спортчиларининг келиши кутилади.

Волейбол ҳаваскорлари Тошкентда Мўғулистон Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ССР эрлар ва хотин-қизлари командалари учрашувини томоша қиладилар.

Афғонистон волейболчилари Тошкент, Тожикистон ва Туркманистон командалари билан учрашади.

Ўзбекистон волейболчилар терма коллективи Цейлон ва Индонезияга боради.

Бундан икки йил муқаддам Хитой Халқ Республикасининг спортчилари Тошкентдаги Комсомол кўлида Ўзбекистон спортчилари билан сузиш бўйича мусобақалашган эдилар. Ўзбекистонлик сузувчилар бу гал жавоб визити билан қардош Хитойга борадилар. Сувга сакраш бўйича Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон спортчилари ўртасида пойтахтда ўтказиладиган халқаро ўртоқлик учрашувида Қиргизистон ва Қозоғистон командалари ҳам қатнашади.

Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма командаси Ҳиндистонга боради.

Бу ерда спорт соҳасида бўладиган яна иккита энг йирик халқаро учрашув ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. Оғир атлетика (штанга кўтариш) бўйича бўладиган халқаро турнирга Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР командаларидан ташқари Бирма, Афғонистон, Ҳиндистон, Индонезия, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Покистон спортчилари таклиф қилинган. Бу халқаро учрашувда Ўзбекистон командаси яхши натижага эришиши кутилади.

Совет Ўзбекистони шахматчиларининг ҳам халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётир. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон шахматчилари турнирига Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Мўғулистон Халқ Республикаси, Эрон, Индонезия ва Ливан шахматчилари меҳмон бўлиб келадилар.

Совет Иттифоқи чемпионатининг «А» классида иккинчи йил қатнашаётган «Пахтакор» футбол командаси ҳам бир қатор халқаро ўртоқлик учрашувларини ўтказади.

Бу йилги спорт мавсуми ҳақиқатан ҳам қизиқарли бўлади.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ УЙСИЗЛАР

Жанубий Кореяда тўла бўлмаган маълумотларга қараганда 600 минг уй-жой етишмайди. 400 мингдан ортиқ уй босиб қолиш ҳолатида бўлиб, тезликда ремонт талаб қилади. Сеулнинг қарийб ярим аҳолиси бошпанасиз яшамоқда. Суратда: Сеулдаги ер тўлалар.

Джапан Пресс агентлигининг фотоси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29-005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 01466. Нашр. Б. 18.